БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№68 (12.421)

Пайшанба, 21 март 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

**Кеча Тошкентда Ўрта Осиё республикалари идеология ходимларининг кенгаши очилди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. Ф. Ильичев доклад қилди.**

***Кенгаш бугун ўз ишини давом эттиради.***



Ўрта Осиё республикалари идеология ходимлари кенгашининг президиуми. Р. Кожевников ва Р. Шамсиддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

# ИДЕОЛОГИЯ ИШИ—КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ ЖАНГОВАР ФРОНТИ

Партия ташкилотларининг коммунистик жамият қурувчиси бўлган янги одамни тарбиялашдаги жанговар вазифаларига бағишлаб, 20 мартда Тошкентда Ўрта Осиё республикалари идеология ходимларининг кенгаши очилди. Кенгаш ишида Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетлари, область ва шаҳар комитетлари секретарлари, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари секретарларининг ўринбосарлари, фан ва маданият муассасалари ходимлари, адабиёт ва санъат арбоблари қатнашмоқдалар.

Кенгаш президиумида КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Идеология комиссиясининг раиси Л. Ф. Ильичев, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосари С. М. Веселов, иттифоқчи республикалар компартияларида Марказий Комитетларининг идеология иши билан шуғулланувчи секретарлари: Ўзбекистондан З. Р. Раҳимбобоева, Қирғизистондан А. Тўқўмбоев, Тожикистондан Н. З. Зарипова, Туркманистондан М. Н. Ғафуров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Н. В. Мартинов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, Н. И. Федюнинский, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар К. Муртазоев, Г. Ф. Наймушин, Ўрта Осиё республикалари Компартиялари Марказий Комитетлари идеология бўлимларининг мудирлари ўтирибдилар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг раиси В. Г. Ломоносов очди.

Кенгаш қатнашчилари содиқ ленинчи, коммунизм учун голмас курашчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигида КПСС Марказий Комитети Президиуми составини давомли, гулдурос қарсаклар билан фахрий президиумга сайладилар.

КПСС Марказий Комитети секретари, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Идеология комиссиясининг раиси **Л. Ф. Ильичев** «Партия ташкилотларининг идеология иши тўғрисида» доклад қилди.

Биз ҳаммамиз, деди Л. Ф. Ильичев, шу кунларда партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан бўлиб ўтган учрашувининг чуқур таассуроти билан яшаяпмиз. Бу учрашув бизнинг бутун ҳаётимизда партиямизнинг идеология иши нақадар буюк роль ўйнашини янада чуқурроқ тушуниб олишга ёрдам берди. Эндиликда, партия XXII съезди, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумидан кейин идеология фронти коммунистик қурилишнинг энг муҳим фронтларидан бири эканлиги айниқса равшан бўлиб қолди.

Идеология иши — курашдан, кураш ва кун сайин олиб бориладиган курашдан иборатдир. Никита Сергеевич Хрушчевнинг образли ифодаси билан айтганда, биз идеология фронтининг солдатлари коммунистик қурилишнинг олдинги сафларида туриб, кураш олиб бормоғимиз керак. Биз ўз қуролимизни тинмай ўткирлаштирган, ўз фаолиятимизнинг формаи ва методларини такомиллаштира борган ҳолда мамлакатимиз олдида турган иқтисодий ва социал-сиёсий вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминламоғимиз лозим.

Эндиликда империализм Совет Иттифоқини ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатларни ҳарбий йўл билан ағдариб ташлай олмайди, империализмнинг социализм системасини иқтисодий жиҳатдан бўшаштириш йўлидаги умиди чиппакка чиққан. Мана шунинг учун ҳам эндиликда курашнинг марказий идеология соҳасига кўчирилмоқда. Империалистлар ва уларнинг ўнг социалистлар лагеридаги малайлари халқларнинг хушёрлигини бўшаштиришга, синфий курашнинг ўткирлигини сийқалашга уринмоқдалар. Идеология соҳасида тинч-тотув яшаш идеяси империализмнинг идеологик диверсиясидан бошқа нарса эмас.

Никита Сергеевич Хрушчев адабиёт ва санъат арбоблари билан бўлиб ўтган учрашувда коммунистик идеология билан буржуа идеологиясининг тинч-тотув яшаши мумкин эмаслигини яна бир марта қатъий таъкидлаб ўтди. Душманлар ўзларининг идеологик диверсияси қаршисида бизни қуролсизлантириб қўйишни истайдилар, улар сиёсатда бетарафлик, ғоясизликни зўр бериб тарғиб қилмоқдалар. Лекин тамомила равшанки, сиёсатда бетарафликнинг ўзи ҳам бир сиёсатдир, ғоясизликнинг ўзи ҳам бир идеологиядир, сиёсат ва идеология бўлганда ҳам жуда заарарли сиёсат ва идеологиядир. Сиёсатга нисбатан бефарқ қараб турмоқчи бўлган, ғоявий курашда қатнашмаётган кишиларга нисбатан бепарво қараб тура олмаймиз.

Идеология ишида асосий объект, деб уқтириб ўтади докладчи, одам, унинг орзу-умидлари ва ҳис-туйғуларидир. Янги одамни тарбиялаш кийин, аммо олижаноб ишдир. Барча ғоявий-сиёсий ишларимизнинг асосий мақсад — кишиларда энг яхши орзу-умидлар, ҳис-туйғуларни, энг яхши фазилатларни яратиш, уйғотиш ва камолга етказишдан иборатдир. Янги одам бизнинг бутун ҳаётимизда, меҳнат процессида, ижтимоий фойдали иш процессида тарбияланади. Идеология иши ўзининг ҳамма воситалари билан кишиларнинг онгига таъсир қилиши, меҳнатда уларнинг активлигини кучайтириши, уларни янги, илғор нарсаларни қидириб топишга сафарбар этиши керак. Шунинг учун ҳам биз идеология ишининг самараси пахта, тўшт, сут, саноат маҳсулоти ўлчанадиган тарозида ўлчанади, деб айтамиз.

Ишлаб чиқаришда натижалар канчалик яхши бўлса, иқтисодий муваффақиятлар қанчалик салмоқдор бўлса, демак, ғоявий-тарбиявий ишлар ҳам шу қадар яхши йўлга қўйилган бўлади. Партиямиз халқни коммунизмнинг янги чўққилари сари бошлаб борган ҳолда, шу улуғ ишни идеология жиҳатдан таъминлашга, барча иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазифаларни бажаришни идеология жиҳатдан таъминлашга катта эътибор бермоқда.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари асосида партия органларининг ишлаб чиқариш принципига қараб қайта қурилганлиги партиянинг хўжалик-иқтисодий фаолиятида идеология ишининг ролини ошириш учун ғоят қулай шарт-шароитлар вужудга келтирди. Аммо бу ишда ўзибўларчиликка, стихиячиликка йўл қўйиб бўлмайди. Кишиларни меҳнатга муҳаббат ва ҳурмат руҳида, мумкин қадар унумлироқ ишлашга, техникадан, ишлаб чиқариш резервларидан яхшироқ, тўлароқ фойдаланишга интилиш руҳида тарбиялашни ҳамма чоралар билан кучайтириш керак. Меҳнат аҳлига — барча моддий бойликларни бевосита яратувчиларга юксак ҳурмат вужудга келтирилган вазиятдагина оммада ишга ижодий ёндошиш, ташаббускорлик туғилиши ва ривожланиши мумкин эканлигини эсда тутиш керак.

Меҳнат тарбиясини кучайтириш ва бу ишни ҳақиқатан ҳам самарали олиб бориш учун идеология ходимларининг ўзлари ишлаб чиқаришни, конкрет экономикани яхши билишлари керак. Идеология ишларига, агитация ва пропаганда ишларига муайян миқдорда назарий билимлари бўлган кишиларнигина эмас, балки иқтисодий билимлари бўлган, хўжаликни биладиган кишиларни ҳам жалб этиш керак, деб баралла айтадиган пайт келди. Айни вақтда кишиларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашни бизнинг ишимиз эмас, деб ҳисоблайдиган хўжалик раҳбарларини фош қилиш керак. Бундай раҳбарлар нуқул планни тезроқ бажариш тўғрисида жон куйдириш билан бандмиз, деб ўзларини оқламоқчи бўладилар.

**Вахоланки, планни муваффақиятли бажаришга эришишнинг энг қисқа йўли — яхши уюштирилган ғоявий-тарбиявий ишнинг худди ўзидир.**

Докладчи идеология ишининг энг муҳим вазифалари ҳақида батафсил гапириб дедики, ҳар бир кишини назар-эътиборга олиб туриш, бу киши ишлаб чиқаришдагина эмас, балки оилада, турмушда ҳам ўзини қандай тутишини кўриб, билиб туриш керак. Шундай қилгандагина кишиларнинг онги ва қалбига таъсир кўрсатиш, уларнинг ўтмиш қарашларидан тезроқ халос бўлишига ёрдам бериш мумкин.

Идеология ходимлари ўз куч ва ғайратини ҳар бир кишини жамоат мулкига, халқ мулкига тўғри муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга қаратишлари лозим. Тенқинхўрликка, давлат мулкини ўғирлашга, ҳар қандай хусусий мулкчилик кўринишларига ҳамма ерда муросасиз бўлиш ва нафрат билан қараш вазиятини туғдириш керак. Докладчи ана шундай психологиянинг айрим кўринишларига тўхталиб ўтади. Маълумки, бундай ҳоллар Ўрта Осиё республикаларида ҳам рўй берди. Бу эса идеология ишларида жиддий камчиликлар борлигини очиқ кўрсатиб турибди.

Ғоявий-тарбиявий ишлар тўхтатиб қўйилган жойда, раҳбарлар ўз хатти-ҳаракатларини, раҳбарлик методларини, ўзларининг турмушини партия идеялари билан, коммунизм идеялари билан ўлчамай қўйган жойда кўзбўямачилик, бюрократизм, давлатга қарши найранглар учун шароит туғилади.

Партиямиз эълон қилган икки энг муҳим принцип: моддий ва маънавий рағбатлантириш принциплари бир-бирига мос равишда амалга оширилган тақдирда, деб таъкидлайди докладчи, Ўрта Осиё республикаларида пахтачиликни юксалтириш учун, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада ривожлантириш учун курашда сарф қилаётган куч-ғайратимиз муносиб натижаларни беради, катта муваффақият қозонади. Ҳозирги вақтда партия ва ҳукумат пахтакорларининг моддий манфаатдорлигини ошириш учун ҳамма шарт-шароитни яратиб бермоқда. Маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш, шу икки принципнинг бир-бирига тўғри боғлаб олиб борилишига эришиш сизларга боғлиқдир, Ўрта Осиё республикалари қишлоқ меҳнаткашларининг, барча меҳнаткашларнинг қабул қилинган социалистик мажбуриятлар учун масъулиятини ошириш керак. Ҳар бир кишини ўз ваъдасига чуқур ҳурмат билан қараш, аҳдига вафодор бўлиш руҳида тарбиялаш керак, мажбурият қабул қилингач, кишилардан уни бажаришни қаттиқ талаб қилиш зарур. Бу эса идеология ишининг ажралмас қисмидир.

Сўнгра докладчи илмий-атеистик пропаганда, диний хурофотларга қарши кураш масалаларига тўхталиб ўтиб, мисолдар келтиради. У Ўрта Осиё республикаларида баъзи жойларда бу ишнинг бўшаштириб юборилишига йўл қўйилаётганлигини, бу эса коммунистик тарбия ишига зарар етказаётганлигини таъкидлайди. Динга қарши пропаганда кўпинча динга ишонмайдиган кишилар ўртасида олиб борилаётганлигини нормал бир ҳол деб ҳисоблаб бўлмайди. Энг муҳими лекцияларнинг сонида эмас, балки кишилар билан якка тартибда тинмай иш олиб боришдадир. Самимий суҳбат, самимий гап — кишининг қалбига йўл очиб беради, биз ана шу методни қурол қилиб олишимиз керак.

Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган шароитда кишилар онгидаги миллатчилик сарқитларига қарши, маҳаллийчилик кўринишларига қарши кураш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқи республикалари, жумладан, Ўрта Осиё республикалари экономикаси ва маданиятининг гуркираб ривожланиши миллатчилик учун социал замин ҳам, сиёсий замин ҳам, иқтисодий замин ҳам қолдирмади. Шундай бўлса ҳам, биз миллий чекланиш сарқитларига дуч келар эканмиз, бу ерда инерция кучи, хурофот кучи амал қилади. Бизлар ўзимиз миллатчилик тенденцияларининг ҳар қандай кичик кўринишларига қарши, халқ манфаатларига хилоф бўлган эски урф-одатларни сақлаб қолиш уринишларига қарши энг қатъий кураш олиб боришимиз лозим.

**Пролетар интернационал и з м и ленинча буюк принципларини, халқлар дўстлиги буюк принципларини изчиллик билан амалга ошириш — идеология ишининг биринчи навбатдаги вазифасидир.**

Ижтимоий тузумимизнинг кучи — омманинг сиёсий активлигидадир. Идеология ишимизнинг бутун системаси билан биз социалистик тузумимизни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш йўлида, коммунистик қурилишдаги янги муваффақиятлар йўлида меҳнаткашларнинг активлигини тағин ҳам кучайтиришимиз, уларнинг ижтимоий бошқаришга янада кенгроқ жалб этилишига ёрдам беришимиз лозим. Юксак гражданлик онглилиги, коллективизм, социалистик Ватанга муҳаббат туйғулари, чуқур ғоявийлик — мана шу фазилатларнинг ҳаммасини кишида болалик чоғидан тарбиялаш керак. Болалар муассасаларида, мактабларда, олий ўқув юртларида тарбиявий ишларни кучайтириш зарур.

Докладчи янги кишини тарбиялашда сиёсий маориф системаси, агитация, лекция пропагандаси, матбуот, радио ва телевидениенинг алоҳида ролига кенгаш қатнашчиларининг эътиборини жалб этиб, асосий диққатни суҳбатларнинг самимий бўлишига, тингловчиларга, газетхонларга тушунарли бўлишига қаратиш зарурлигини таъкидлайди. Бу жиҳатдан, оғзаки пропагандани ҳам, матбуотни ҳам янгича олиб боришга имкон берадиган муайян қайта қуришни амалга ошириш лозим.

Ижтимоий фанлар ходимлари марксизм-ленинизм идеяларини пропаганда қилишга, бу идеяларни ижодий тарзда янада ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Ижтимоий фанимизнинг кучини билмоқчи бўлганларга биз бундай деймиз: янги, синалмаган йўллардан келажак сари бораётган ва бошқа халқларни бошлаб бораётган совет халқи марксизм-ленинизм фани байроғи остида қандай ишлар қилганига назар солинг. Партиянинг XXII съездидан кейин, шахсга сиғиниш оқибатлари тугатилгандан кейин ҳозирги вақтда ижтимоий ҳаётни бошқаришда, ишлаб чиқаришни бошқаришда фаннинг роли янада кўпроқ кучайиб бормоқда. Ижтимоий фанларни ўқитиш системасини қайта қуриш керак. Энг муҳими шуки, қонунларни ва формулаларни ёдлаб олиш эмас, балки фикр юритишни ўрганиш, ижтимоий-сиёсий фаолиятда актив қатнашиш керак.

Л. Ф. Ильичев ўз докладининг анча қисмини адабиёт ва санъатни ривожлантириш масалаларига бағишлади. У партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан яқинда бўлиб ўтган учрашуви ҳақида батафсил гапириб берди, Ўрта Осиё республикаларининг ёзувчилари, рассомлари, композиторлари, кино ва театр ходимларини бадиий ижодкорликнинг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини янада баланд кўтаришга, самимият, қалб ҳарорати билан яратилган, коммунистик дунёқарашни қизғин тарғиб қиладиган, коммунизм йўлида юксак жасоратга чорлайдиган талантли, мазмундор асарлар яратишга чақирди.

Доклад юзасидан музокаралар бошланди. Музокарада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **З. Р. Раҳимбобоева**, ёзувчи **Ч. Айтматов** (Қирғизистон), Тожикистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи республика жамиятининг раиси **А. М. Боҳовуддинов**, «Совет Туркманистони» газетасининг редактори **М. Бадаев**, Сурхондарё область партия комитетининг секретари **В. Н. Қодиров**, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Н. З. Зарипова**, Андижон шаҳридаги «Артель» маҳалласи хотин-қизлар кенгашининг раиси **Ф. Қосимова**, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг президенти **К. К. Каракеев** қатнашдилар.

Кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).



Суратда: Ўрта Осиё республикалари идеология ходимлари кенгашининг мажлислар залида. И. Глауберзон фотоси.

## А. НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА КОНЦЕРТ

20 март кечқурун А. Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрида Ўрта Осиё республикалари идеология ходимлари кенгашининг қатнашчилари учун Ўзбекистон санъат усталари иштирокида катта концерт қўйиб берилди.

Концертда КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Идеология комиссиясининг раиси Л. Ф. Ильичев, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети президиумининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўрта Осиё республикалари Компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари ва идеология бўлимларининг мудирлари ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

## КОСМОНАВТЛАР БРАЗИЛИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**МОСКВА. Космонавт учувчилардан Андриян Николаев билан Павел Попович 20 март куни кечаси чет элга биринчи марта биргалашиб сафарга жўнаб кетдилар. Улар Сан-Паулуда очилган Халқаро аэронавтика ва космонавтика выставкасида қатнашувчи совет делегацияси составида самолётда Бразилияга учиб кетдилар. Бир группа совет журналистлари ҳам космонавтлар билан бирга Бразилияга кетди. (ТАСС).**

# БУТУН КУЧ МИРЗАЧЎЛНИ ЗАБТ ЭТИШГА!

*СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ БИРИНЧИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН*

## ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИ АМАЛДА

Яқинда ташкил топган Сирдарё областининг партия ташкилоти биринчи конференциясига улуғ Ленин васиятларини — Мирзачўлни забт этиш ҳақидаги кўрсатмасини ўз ҳаётининг мазмуни деб билиб, партия чақириғи билан бу ерга келган, чўл қуваётган баҳодирларнинг энг яхши вакиллари тўпланди. Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Сирдарё областини ташкил этиш ҳақидаги қарори коммунизм моддий-техника базасини тезроқ яратишга хизмат қиладиган йирик пахтачилик водийсини вужудга келтириш ва янги ўзлаштириладиган ерларда ишлаб чиқариш кучларини тез ривожлантиришга қаратилганлигини бирдамлик билан қайд қилдилар. Ана шу қарор муносабати билан область партия ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Сирдарё область ташкилот бюросининг раиси Н. М. Маҳмудов доклад қилди.

Докладчи шу нарсани таъкидладики, Сирдарё областининг ташкил топиши моддий бойликларни тағин ҳам кўпайтириш, халқ фаровонлигини янада юксалтириш, КПСС XXII съезди белгилаб берган тарихий вазифаларни тезроқ амалга ошириш учун битмас-туганмас резервлар вужудга келтиради, бу қарор улуғ Ленин имзо чеккан декретнинг амалда тўла рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Кейинги икки-уч йил ичида Мирзачўлда ўнта янги совхоз ташкил топди. Бу хўжаликлар 52 минг гектарга яқин ерни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритдилар. Айрим совхозлар янги ерларда пахтадан қандай қилиб юқори ҳосил етиштириш намунасини биринчи йилдан бошлабоқ кўрсата олдилар. Титов номли 6-, Гагарин номли 5- ва «Пахтакор», «Фарҳод» совхозлари етти йилликнинг тўртинчи йилида экин майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш юзасидан белгиланган маррадан анча ўзиб кетдилар. 1965 йилга бориб яна 97 минг гектар, ундан кейинги ўн йил ичида эса 600 минг гектар янги ер ўзлаштирилади. Суғориладиган экин майдонлари бир миллион 100 минг гектарга етади, ёки ҳозиргига нисбатан тўрт баравар кўпаяди, 60 янги пахтачилик совхозлари ташкил топади.

Мирзачўл бағрида ўз меҳнати билан халқ ҳурматига сазовор бўлган, партиянинг чақиригини бажариш учун бутун кучини бағишлаган жуда кўп талантли, саботли, омилкор, ишлаб чиқаришнинг ажойиб ташкилотчилари етишиб чиқди. Булар якка-ёлғиз эмас. Конференцияда замонамизнинг ана шу қаҳрамонлари ҳақида жуда кўп мисоллар келтирилди.

## ЯНГИ ЕР МАШЪАЛЛАРИ

Пахтачиликда комплекс механизацияни жорий этишнинг новаторлари Жавод Кўчиев, Александр Кошелев, Ли Николай, Насиб Бекиров ва бошқаларнинг номи узоқ ерларгача маълум бўлиб қолди. Уларнинг иши илғор тажриба мактабидир. Бу мактабларда шу йилнинг дастлабки ойларида неча юзлаб кишилар ўқиди, уларнинг тажрибасини ўрганди.

Сирдарё области Совет Иттифоқининг йирик пахтачилик районларидан бирига айланиши узоқ муддатга мўлжалланган иш эмас. Совет давлати бераётган жуда катта моддий-техника ёрдами ва меҳнаткашларда ўсиб бораётган ғайрат, ташаббус яқин уч-тўрт йил ичида Мирзачўлда пахта етиштиришни, шу билан бирга чорвачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини тез ривожлантиришни таъминлайди. Чорвачилик усталари юзлаб саналади. «Чимқўрғон» совхозининг бош чўпони, СССР Олий Советининг депутати Азимхон Шахабоев, Киров номли совхоз бош чўпони, партия XXII съездининг делегати Ҳасан Исаров, Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг молбоқари Мавлон Ёдгоров, Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхозининг сут соғувчиси Гавҳар Иброҳимова, «Гулистон» паррандачилик совхозининг парранда боқувчиси Варвара Игнатьевна Тазова, Свердлов номли совхоз чўчқабоқари Ида Яковлева ва бошқа шунга ўхшаш чорвадорларнинг номини кўплаб келтириш мумкин.

Янгиерда кучли қурилиш индустриясига эга бўлган ва бутун ишни марказлаштирувчи «Голодностепстрой» ишлаб турибди. Бу ташкилот теварагида уюшган механизаторлар, инженерлар, қурувчилар, агрономлар, зоотехниклар, врачлар, педагоглар ва бошқа касб эгалари мамлакатнинг турли жойларидан, қардош республикалардан келган кишилардир. Партия раҳбарлиги ишлаб чиқариш принципи асосида қайта қурилгач «Голодностепстрой» ҳузурида янги партия комитети тузилди. Илгарилари тарқоқ ҳолда иш кўриб келган бошланғич партия ташкилотларининг ягона коллективга уюшуви сиёсий-оммавий ва тарбиявий ишлар доирасини кенгайтиришга ва идеологиянинг ишлаб чиқариш билан боғланишини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН МАҲКАМ БОҒЛАНИБ

Конференцияда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Россия Федерациясидаги колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари секретарлари ва бошқарма бошлиқларининг кенгашида сўзлаган нутқида баён этилган қимматли фикрлар, маслаҳатлар, ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини қай усулда олиб бориш принциплари асослаб берилганлиги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни тез кўпайтириш учун нималар қилиниши зарурлуги ёрқин кўрсатиб берилганлиги таъкидлаб ўтилди.

— Ўртоқ Н. С. Хрушчев мурувватини минг бураган билан қишлоқ хўжалигини конкрет билиб, одамлар моҳирлик билан уюштирилмаса, иш юришмай туравераді, деган экан,— дейди Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Турсунбой Латипов, — жуда ҳақлидир. Илгарилари қолоқ колхозларнинг раҳбарлари безовта қилинмас, безовта қилинганда ҳам шунчаки койиб қўйилар эди. Ҳозир иш ана шу таҳлитда қўйилаётгани йўқ. Партия раҳбарлиги қайта қурилгач колхоз раҳбарларига ҳам талабчанлик ошди. Аммо раҳбарликдаги баъзи нуқсонлар ҳали тугатилганича йўқ. Юқоридан туриб топшириқлар бериш, ҳар хил ёзишмалар юбориш ҳоллари учраб туради. Мени ташвишга солган яна бир масала шуки, одатда ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети ва бошқа жойларда ўтказиладиган йиғилишлар, суҳбатлар, мажлисларга кўпинча колхоз раислари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарларигина чақирилади. Лекин ишлаб чиқаришнинг тақдирини ҳал қилувчи асосий куч—бригада бошлиқлари, механизаторлар ва бошқа активлар билан учрашувлар кам ўтказилади. Менимча, Никита Сергеевич Хрушчев айтганидек партия ва хўжалик ходимлари одамлар билан доим гаплашиб туришлари, уларнинг ҳис-туйғуларини, фикрларини ўрганишлари лозим.

Ўртоқ Латипов бу йил коллектив хўжаликнинг янги режалари ҳақида сўзлади.

Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхозининг раиси ўртоқ Қ. Синдаров пахтачиликни комплекс механизациялаш масаласига тўхталади.

— Илгари қолоқ ва камҳосилли ҳисобланган бизнинг хўжалигимиз, — дейди у, — ишнинг кўзини биладиган, жонкуяр ва тажрибали кадрлар билан мустаҳкамланиб, фан ютуқлари, агротехника усуллари кенг жорий этилгач қаддини кўтариб олди. Дала ишларининг асосий қисми машиналар билан бажарилиши натижасида пахтанинг таннархи арзонлашиб, хўжалигимиз қўшимча жамғармалар олмоқда. Ўтган йили биз давлатга 5100 тонна пахта сотдик. Шундан 3500 тоннасини машиналар билан териб олдик. Бу бизга биринчидан, терим суръатини тезлатишга имкон берган бўлса, иккинчидан, терим учун сарфланадиган харажатларни кескин қисқартиришга ёрдам берди. Биз ҳар гектар ердан 29,1 центнердан ҳосил кўтардик. Мирзачўл шароитида 1777 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан ана шу миқдорда ҳосил етиштириш осонлик билан бўлгани йўқ. Биз ҳар қандай қийинчиликларни, об-ҳавонинг инжиқлигини енгдик, ҳар бир ишни ўз вақтида юксак агротехника қоидалари асосида ўтказдик. Лекин экин майдонлари бизнинг ерлар билан туташиб кетган Жамбул номли колхоздаги аҳвол бизларни ташвишга солади. Ўтган йили бу колхоз гектаридан 10 центнердан ҳосил олди, холос. Лекин қўшнимизнинг ери —биз учун бегона эмас. Шу сабабли биз бу хўжаликни оталиққа олдик ва ўз қўшнимизга машиналардан фойдаланиш, ер унумдорлигини ошириш, меҳнатни тўғри ташкил этиш усулларини ўргатмоқдамиз.

Конференция қатнашчилари олиҳиммат кўрсатиб ва умумдавлат манфаатларини кўзда тутиб ўз ерининг бир қисмини ўзбекларга инъом этган қон-қардош қозоқ халқига чин юракдан ташаккур изҳор этдилар. Умумий мақсад ва умумий манфаатлар совет халқларини ягона онлага жипслаштирганлигини Киров ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ Қ. Исҳоқов ўз нутқида таъкидлаб ўтди. Бошқармамиз меҳнаткашлари, дейди нотиқ, ўз интернационал бурчлари ва вазифаларини чуқур англаган ҳолда партия XXII съезди қабул қилган Программани амалга ошириш учун ғайрат билан ишламоқдалар. Етти йилликнинг ўтган тўрт йилида бошқарма хўжаликлари давлатга 316 минг тонна пахта сотиб, пахта етиштириш юзасидан белгиланган топшириқни 120 процент бажардилар. «Заря коммунизма», «III Интернационал» колхозлари ҳосилдорликни оширишда айниқса яхши кўрсаткичга эришди. «Большевик» совхози ишчилари пландан ташқари 8 минг тонна пахта тайёрлади, 2 хўжалик гектаридан 30 центнердан ошириб, 5 хўжалик 25 центнердан ошириб ҳосил олди.

Лекин, дейди нотиқ, ҳамма хўжаликларнинг экономикаси ҳам тез ривожланаётгани йўқ. Масалан, Ленин номли, Омонгелди номли колхозларни олиб кўрайлик. Бу хўжаликлар илғор колхозлардан анча кам ҳосил етиштирмоқдалар. Биз бу колхозларнинг кейинда қолиш сабабларини чуқур ўргандик. Шу нарса аниқландики, хўжаликни бошқараётган кишилар ишлаб чиқариш билан чуқур шуғулланмайдилар. Улар гарчи фан ютуқлари ва илғор тажрибалар ҳақида умумий тушунчага эга бўлсалар ҳам, бироқ амалда уни қўлланишда нўноқлик қилмоқдалар. Бошқарма партия комитети асосий эътиборни қолоқ хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан кўтаришга қаратмоқда.

Нотиқ республика Сув хўжалиги министрлиги олдига бир қанча талаблар қўйди. Маълумки, бошқармамиздаги экин майдонларининг кўп қисми шўр, захкашдир, дейди у. Сизот сувни қочирмай туриб, экинлардан юқори ҳосил олиш қийин. Умумий ишимизга халақит бераётган бу нуқсонни тугатиш учун ирригация-мелиорация ишларини яхшилаш керак. Бунинг учун эса маблағ ва материаллар талаб қилинади. Шу сабабли Сув хўжалиги министрлигидан бу масалада бизга ёрдам беришни талаб этамиз.

— Деҳқоннинг оғир меҳнатини енгиллатадиган, маҳсулот таннархини камайтиришга ёрдам берадиган нарса техникадир, — дейди Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли совхоз механизатори ўртоқ Р. Ахмадиева. — Биз ўтган йили янги ўзлаштирилган ерларнинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта олдик, планни 122 процент бажардик, маҳсулот таннархи кўзда тутилгандан 15 процент арзонга тушди. Ҳосилнинг асосий қисми машинада териб олинди. Биз 1963 йилда зиммамизга оширилган мажбурият олдик. Бригадамиз аъзолари 116 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилганлар.

Шундан кейин сўзга чиққан 2-«Боёвут» совхози комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи ўртоқ Н. Бекиров ўзи раҳбарлик қилаётган коллективнинг янги меҳнат режалари ҳақида гапирди. Совхоз ишлаб чиқаришида унумли меҳнати, ташаббускорлиги билан танилган бу йигит яқинда қолоқ участкага ўтди ва бу билан совхозда кейинда қолаётган ҳамма бригадаларни шу йилдаёқ илғорлар даражасига етказиб олишда шахсий ҳисса қўшишни ўз бурчи деб билди.

— Бу йил, — дейди ўртоқ Н. Бекиров, — янги ўзлаштирилган 160 гектар ерга яхшилаб яхоб бердик, шўрини ювдик. Далалар етарли миқдорда гўнг билан озиқлантирилди. Биз гектаридан бу йил 30 центнердан «оқ олтин» олишга ваъда бердик, ҳосилнинг 90 процентини машиналарда териб оламиз, 50 гектар ерда маккажўхори, 10 гектар майдонда нўхат етиштирамиз.

Конференцияда сўзга чиққан Титов номли 6-совхознинг директори С. Усмонов, Гулистон ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари А. Абдунабиев, Жиззах район ижроия комитетининг раиси А. Эргашев, «Главголодностепстрой» бошқармасининг бошлиғи Д. К. Терситский ва бошқа ўртоқлар чўлни бўйсундираётган, Мирзачўл бағрини очаётган ва уни мўл-кўлчилик водийсига айлантираётган баҳодирларнинг завқли меҳнати, ижодий ишлари, юз бераётган қийинчиликларни сабот ва қатъият билан енгаётганликлари, етти йилликнинг бешинчи йили марраларини тезроқ эгаллаш учун интилаётган ишчилар ва колхозчиларнинг меҳнат зафарлари ҳақида гапирдилар.

Конференцияда идеология ишларини ғоявий жиҳатдан юксакликка кўтариш, пропаганда ва агитациянинг таъсирчанлигини ошириш ва унинг ҳаёт билан боғланишини кучайтириш ҳақида кўпгина мулоҳазалар, таклифлар ўртага ташланди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ўртоқлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

Конференция қатнашчилари тинчлик ва халқлар бахт-саодатининг толмас курашчиси Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ ленинчи КПСС Марказий Комитетига табрик хати қабул қилдилар.

Конференция область партия комитетининг составини сайлади. Конференциядан кейин бўлиб ўтган пленумда ўртоқ Н. М. Маҳмудов область партия комитетининг биринчи секретари қилиб, П. И. Соколов иккинчи секретари ва М. Искандаров, Ғ. Обидов ўртоқлар обком секретарлари қилиб сайландилар.

Конференция қатнашчиларига ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Ўзбекистонда бўлишига бағишлаб Ўзбекистон киностудияси ишлаб чиқарган ҳужжатли киножурнал кўрсатилди ва республика пойтахти санъат усталарининг иштирокида катта концерт берилди.

Х. ЁДГОРОВ,
М. НАЗАРОВ.
«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбирлари.



Тошкент тўқимачилик комбинатида ташкил этилган марксизм-ленинизм кечки университетининг тингловчилари учун тез-тез консультациялар ўтказилиб турилади. Суратда: (чапдан) партия кабинетининг мудири А. И. Шигилчев университет тингловчилари П. А. Уханов, В. Е. Егорова, Л. Н. Хилько, Н. И. Брессо, И. И. Митьковский ва Э. Т. Ҳамидов ўртоқларга консультация бермоқда.
А. Палехов фотоси.

# БОЙЛИКДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИЛМАЁТИР

Андижон нефтчилари олтин сандиқлар калитини топиб, битмас-туганмас ер ости бойликларимиз кўзини очмоқдалар. Етти йилликнинг ўтган тўрт йили ичида улар Ватанга белгиланганидан ташқари бир неча ўн минг тонна «қора олтин» етказиб бердилар.

Бултур меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 4,7 процент кўп бажарилди. «Андижон» нефть конида ҳар бир тонна нефтнинг таннархи 1,72 процент камайиб, 51,7 минг сўм маблағ иқтисод қилинди. «Жанубий Оламушук» кони коллективи энг яхши кўрсаткичларга эришди — нефтнинг таннархи 4,06 процент камайтирилиб, 107,2 минг сўм маблағ тежалди.

Бу нефтчиларнинг техника прогресси йўлида олиб бораётган ижодий ишларининг самарасидир. Областдаги барча конларда нефть чиқариш процесси тўла, ёрдамчи участкалар эса қисман телемеханизациялаштирилди.

«Андижон» нефть конида, айниқса, қатламларга сунъий таъсир кўрсатишга жиддий эътибор бериляпти. Ёш инженер Турғуной Ғаниева бошлиқ бригада коллективи бу ишнинг ташаббускори бўлиб чиқди. Бригада коллективи қатламга сунъий таъсир кўрсатишни ўтган йилдагига нисбатан бир ярим баравар оширишни мўлжалламоқда. Қатламга сунъий таъсир кўрсатиш йўли билан олинган нефть бошқа усул билан чиқарилган нефтга қараганда 30 процент арзонга тушаётир.

Бироқ шу билан бирга Андижон конларида тезроқ бартараф қилиниши лозим бўлган камчиликлар ҳам кўп. Нефтчилар кейинги вақтда бир қатор муҳим масалалар, жумладан нефть ва газнинг янги запасларини қидириб топиш иши билан қониқарсиз шуғулланмоқдалар. «Полвонтош» конидаги юра, «Ойим» майдонидаги бўр қатламлари нефть ва газга бой. Аммо бу объектларга дуруст эътибор берилмаётгани кишини таажжублантиради. «Полвонтош», «Ғарбий Полвонтош», «Қорабоғ», «Кушан» майдонларидаги қудуқлар аварияларнинг олди олинмагани учун белгиланган муддатларда ишга туширилмади. «Ғарбий Полвонтош» участкасида қатлам босимини нормал сақлаш масаласи ҳанузгача ҳал қилинмаётир.

Кейинги йилларда нефтчилар қатламларга сув юбориш йўли билан катта фойда кўришди. Лекин, нимагадир, амалда ўзини оқлаган бу муҳим метод «Жанубий Оламушук», «Андижон» конларида кенг қўлланилмаётир.

«Хўжаобод» участкасидаги саккизинчи, «Андижон» конидаги учинчи, «Жанубий Оламушук» конидаги биринчи, бешинчи ва олтинчи қатламлардан илгари кўплаб нефть олинар эди. Мазкур қатламлар вақтида кузатиб турилмади, оқибатда маҳсулдор қатламлардан нефть олиш камайиб кетяпти.

Эски қудуқлардан кўпроқ нефть олиш учун етарли ҳаракат қилинмаётир. Қудуқларнинг бекор туриб қолишига йўл қўйилмоқда. Бундай аҳвол кўпроқ «Полвонтош» конида юз беряпти. Электромоторлар ва бошқа агрегатлардан фойдаланиш қоидалари бузиляпти. Биргина «Жанубий Оламушук» конида раҳбарларнинг (директори Авраменко, бош инженери Симонов ўртоқлар) бепарволиги орқасида ўтган йил давомида 350 тадан ортиқ электромотор куйиб кетди.

Нефть ва газнинг саноат запасларини қидириб топиш ишлари кўнгилдагидек эмас. Балки Андижонда янги нефть манбалари тамом бўлгандир? Йўқ, асло! Масалан, «Янги Наманган», «Қорабоғ» майдонларидан кўплаб ёнилғи чиқиши кутилмоқда. Геология-қидирув ишлари ана шундан далолат бериб турибди. Тўғри, бу майдонларда 6, 7, 10- ва бошқа чуқур қудуқларни қазиш бошланди. Аммо иш охирига етказилгани йўқ.

«Андижаннефтегаз» бирлашмаси раҳбарлари (Зуҳриддинов, Писарик, Биков, Азимов ўртоқлар) янги майдонларни тайёрлашдек муҳим масала билан етарли шуғулланмаётирлар. Улар конларда ойлик нефть ва газ чиқариш планлари бажарилиб турганига маҳлиё бўлмоқдалар. Бирлашма ва конларнинг раҳбарлари мавжуд камчиликларни кўришмаётганга ўхшайди. Ваҳолонки, партия ва ҳукуматимиз бойлигимизга бойлик қўшиш, ютуқларимизни тинмай кўпайтириш ва шу йўл билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшишни талаб қилмоқда.

Н. ҲАКИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.
А. ҚУРОНБОЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» штатсиз бўлимининг ходими.

# РЕЗЕРВЛАР ИШГА СОЛИНСИН

**ТУРТ РЕСПУБЛИКА БУЙЛАБ ⊙ ЮК ОБОРОТИ АНГЛИЯДАГИДАН КУПРОҚ ⊙ ҲАММА ЙУЛЛАРДА ТЕПЛОВОЗЛАР ЮРСИН ⊙ ПОЕЗД ДЕНГИЗНИ КЕСИБ УТАДИ ⊙ ҚОЗОҒИСТОН ТЕМИР ЙУЛЧИЛАРИ БИЛАН МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ.**

Ўрта Осиё иқтисодий районининг пўлат йўллари беш минг километрга — Ченгелдидан Красноводсккача, Жалолободдан Қўнғиротгача чўзилиб ётибди. Бу йўлларда бутун Англиядаги темир йўллардагига қараганда кўпроқ юк ташилмоқда. 18 мартда Тошкентда бўлиб ўтган темир йўл транспорти партия-хўжалик активининг йиғилишида Ўрта Осиё совет республикаларининг экономикаси равнақ топганлигидан далолат берувчи кўпгина ана шунга ўхшаш рақамлар ва фактлар келтирилди. Бироқ, бу учрашувнинг асосий темаси — Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон халқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бирлашган магистралнинг янги имкониятлари ва янги вазифалари бўлди.

Докладчи — Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи А. М. Қодиров ва музокарада қатнашган ўртоқлар темир йўл илғор техника билан етарли даражада таъминланганлигини таъкидладилар. Анчагина масофадаги йўлга темир-бетон шпаллар ва оғир типдаги рельслар ётқизилди, сигнализация ва алоқанинг энг янги методларидан фойдаланилмоқда, ремонт базаси мустаҳкамланган. Сирдарё—Жиззах линияси муддатидан бир йил илгари фойдаланишга топширилди. Бу эса Мирзачўлдаги кўриқ ерларга хизмат кўрсатишни яхшилаш имконини беради. Тепловозларни жорий қилиш жадал суръатлар билан кенгайтирилмоқда — Ўрта Осиё йўлларида ҳамма юкларнинг 91 процентини тепловозлар ташимоқда. Мамлакатдаги ана шу энг юқори кўрсаткичга партия ва ҳукуматнинг сувсиз чўлларни кесиб ўтувчи энг жанубдаги магистрални тепловозлар билан биринчи навбатда таъминлаш ҳақидаги ғамхўрлиги туфайли эришилди.

Магистрал ғарбдаги темир йўллар билан яна бир восита орқали боғланди. Ўрта Осиё ва Закавказьенинг пўлат йўлларини Каспий денгизи орқали ўтадиган паром бирлаштирди. Фантастик романлар ёзган Жюль Верн келажакда поездлар Каспий денгизини кесиб ўтади, деб орзу қилган эди. Бу орзу ёзувчи ўйлаганидан ҳам юксакроқ техника даражасида ва анча тезроқ рўёбга чиқарилди. Эндиликда Красноводск ва Боку транзит пунктларига айланиб, улар ўртасида ўнларча вагон сиғадиган гигант паром қатнаб турибди.

Магистрал коллективи қудратли техникага таяниб ва иш методларини муттасил яхшилаб бориб, 1962 йилда юк ташиш планини ортиғи билан бажарди, меҳнат унумдорлигини ошириш ва юк ташиш таннархини камайтириш топшириқларини орттириб адо этди.

Бироқ, темир йўлнинг ҳамма имкониятлари ишга солинган, деб бўлмайди. Масалан, вагонлар обороти планда белгиланганидан секинлаштирилган. Бунинг сабабларидан бири — поездлар ҳаракати графигининг бузилишидир. Темир йўлнинг Когон бўлимида ҳаракат айниқса ёмон уюштирилган. 70 дан кўпроқ станция вагонларнинг юк операциялари вақтида тўхтаб туриш нормасига риоя қилмади.

Ўрта Осиё темир йўлида тепловозларнинг ҳиссаси етти йилликнинг контроль рақамларида белгиланганидан тезроқ ошиб бормоқда, лекин локомотивлардан тўла фойдаланилмаётир. 1962 йилда тепловозларнинг бир суткада ўртача босиб ўтиши керак бўлган масофа топшириғи бажарилмади. Бу соҳада собиқ Урсатьевская бўлимида катта камчиликка йўл қўйилди. Вазифа — тепловозларни сақлашни яхшилашдан, поездларни бошқаришда Маракаев, Штиков (Тошкент депоси), Ўрмонов (Когон депоси), Авезов (Красноводск депоси) сингари уста ҳайдовчилар қўлланаётган методларни ҳамма машинистларга ўргатишдан иборатдир.

Пассажирларга хизмат кўрсатиш даражаси — темир йўл ишидаги энг ёрқин кўрсаткичлардан биридир. Кейинги вақтларда пассажирлар тушган составлар ҳаракатини анча тезлаштиришга, маҳаллий ва шаҳар атрофи қатновларини кўпайтиришга эришилди. Вокзаллар, станцияларни тартибга солиш юзасидан сезиларли иш қилинди. Лекин вокзалларнинг кўримсизлиги, айрим проводникларнинг пассажирларга нисбатан эътиборсизлик билан қараётганликлари хусусида ҳали ҳам кўпгина шикоятлар тушмоқда.

Юк ташишни рационализация қилиш қудратли резерв ҳисобланади. Тажриба шуни кўрсатдики, ҳаракатдаги составдан энг яхши фойдаланиш туфайли, юк оборотини энг кўп даражада ошириш мумкин.

Бироқ, муқобил юк ташишга ҳали ҳам кўп йўл қўйилмоқда. Корхоналар баъзан яқин масофаларга юкни темир йўл орқали юбормоқдалар, ваҳоланки бундай ҳолларда автотранспортдан фойдаланиш давлат учун фойдалироқдир. Март ойида Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг бир қанча корхоналари юк ташишни нотўғри планлаштириб, вагонлар учун қўшимча заявка берди. Буларнинг ҳаммаси темир йўл фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Темир йўл станцияларига юкларни автомобиль транспортида ташиб келтириш ва станциялардаги юкларни автомобиль транспортида ташиб бериш марказлаштирилганлиги темир йўлга ва унинг мижозларига анча фойда етказмоқда. Бундай тартибнинг қўлланилиши икки станциянинг ўзида — Тошкент-товар ва Қизил тўқимачи станцияларида юздан ортиқ автомашинани, икки юз ходимни бўшатиб олишга ёрдам берди. Лекин кўпчилик станциялар бу методни қўлланмаяпти.

Ашхобод бўлимининг бошлиғи В. П. Калиничев Тошкент ва Ашхобод йўлларини бирлаштиришнинг афзалликлари тўғрисида гапирди. Масалан, Туркманистон темир йўлчилари сортировка станциялари йўқлиги орқасида қийналар эдилар. Бу нарса пешма-пеш келаётган юкларни жой-жойига тўғри тўплашга имкон бермас эди. Эндиликда Когон станциясини Красноводск ва Душанбага борадиган юкларни тўплаш учун ихтисослаштириш мумкин.

Йўлдаги ходимларнинг 80 процентдан кўпроғи коммунистик меҳнат ҳаракатида қатнашмоқда. Душанба бўлимининг темир йўлчилари коммунистик меҳнат коллективи деган номни олиш учун курашмоқдалар.

— Ҳозирдаёқ бизда 154 смена ва бригада ана шу фахрли номни олишга сазовор бўлди, — деди бўлим бошлиғи М. Мирзаев. — Коллектив дуруст натижаларга эришди. Йўллар министрлиги бўлимда ободонлаштириш ва биноларни комплекс ремонт қилиш бўйича илғор тажриба мактаби ташкил этди. Лекин ишимизда ҳали камчиликлар кўплигини англаб турибмиз, бутун коллектив ўз эътиборини ана шу камчиликларни тугатишга қаратган.

— Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этиши учун ҳар хил формалардан дадилроқ фойдаланиш ва бу формаларни ривожлантириш керак,— деди темир йўл ходимлари касаба союзи йўл комитетининг раиси Н. Деҳқонхўжаев. — Доимий ишлаб чиқариш кенгашларининг кўпи йўлда ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди. Ана шу кенгашлар тақдим этган 1000 дан кўпроқ таклифнинг тўртдан уч қисми жорий этилди.

Термиз йўл дистанциясининг старший йўл мастери Э. Худойқулов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитети саноат-транспорт бўлимининг мудири В. В. Нуштаев, Андижон станциясининг бошлиғи Р. Раҳмонбердиев, Чоржўй станциясининг бошлиғи В. З. Костин, Душанба депосининг машинисти В. Г. Ильин, йўл ҳаракат хизматининг бошлиғи С. М. Дагаев ва бошқалар ҳам кенгашда сўзга чиқишди.

Кенгаш қатнашчилари етти йилликнинг бешинчи йилига мўлжалланган юксак мажбуриятларни кабул қилишди. Юк ортиш планини 27 декабргача бажариш, тепловознинг бир суткадаги ўртача қатновини 2 километр кўпайтириш, оғир юкли поездларда нормадан ташқари 6 миллион тонна юк ташиб бериш, рационализаторлик таклифларини жорий қилиш йўли билан 800 минг сўмни тежаб қолишга қарор қилинди.

Ўрта Осиё магистрали коллективи олган мажбуриятнинг охирида бундай дейилади:

— Партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларида қўйилган вазифаларни бажаришга бутун куч-қувватимизни сафарбар этамиз!

Коллектив коммунистик меҳнат темир йўли деган номни олиш учун курашишга аҳд қилди. Қардош Қозоғистон темир йўлчилари мусобақага чақирилди.

А. ЕРШОВ,
Е. ЕФИМОВ,
(ЎзТАГ мухбирлари).



Чирчиқ шаҳридаги «Узбекхиммаш» заводининг коллективи мамлакатимиздаги химия ишооти қурилишлари ва корхоналарига кўплаб машина ва ускуналар етказиб беряпти. Суратда: Свердловск областидаги химия комбинатига жўнатиладиган мураккаб буғлаш аппарати сўнгги марта кўздан кечирилмоқда.
О. Левак фотоси.

## ЯНГИ КИТОБЛАР

«ЁШ ғвардия» нашриёти қуйидаги китобларни чиқарди:

**Л. Н. Толстой.** Болалик, ўсмирлик ва ёшлик. 404 бет, тиражи 30.000, баҳоси 80 тийин.

**Иван Ле.** Кленовый лист. Повесть. 200 бет, тиражи 105.000, баҳоси 47 тийин.

**Ғайратий.** Ёшлигимсиз. Повесть ва ҳикоялар. Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун. 100 бет, тиражи 30.000, баҳоси 14 тийин.

**Т. Қайипбергенов.** Ўқитувчига раҳмат! Повесть. Ўрта ёшдаги болалар учун. 67 бет, тиражи 10.000, баҳоси 14 тийин.

**А. Шомуродов.** Йўлбарслар орасида. Повесть. Қорақалпоқчадан Н. Фозилов таржимаси. Кичик ва ўрта ёшдаги болалар учун. 40 бет, тиражи 30.000, баҳоси 6 тийин.

**М. Жонғозиев.** Ажойиб тоғлар. Шеърлар тўплами. Кичик ва ўрта ёшдаги болалар учун. 56 бет, тиражи 10.000, баҳоси 9 тийин.

## ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТОН да босилгандан КЕЙИН

### «БЕЛИ ОҒРИМАГАНЛАР»

Шу сарлавҳали танқидий мақолада Фарғона областидаги кўпгина корхона ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари айби билан вагонларнинг кўплаб бекор туриб қолаётганлиги кўрсатилган эди.

Фарғона саноат область партия комитети оғир саноат ва транспорт бўлими бошлиғи ўртоқ П. Игнатовдан олинган жавоб хатда мақолада келтирилган фактларнинг тўғри эканлиги қайд қилинади. Мақола корхоналарда муҳокама қилинган, Вагонларга юк ортиш ва юкни тушириш ишларини яхшилаш чоралари кўрилган.

Комсомолларнинг кучи билан,— дейилади хатда, — Фарғона бўлими бўйича ҳамма станцияларда юкларнинг сақланиши ва ташиб олиниши юзасидан рейд ўтказилди. Катта камчиликлар очилди. Ҳатто айрим корхона раҳбарлари юкларни ўз вақтида ташиб олишга жуда ҳам масъулиятсизлик билан қараганлар.

Область партия комитети Фарғона темир йўли бўлими ва Автомобиль транспорти раҳбарлари билан биргаликда область кенгаши чақиришга, унда юкларнинг сақланиши, юк ташиш ишларига боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

# ПАХТАКОР ЎРТОҚ!

# ҚЎКЛАМ ЧОРЛАР ИШГА, ШАЙЛАН, ЭКИШГА!

***ТУПРОҚДАГИ НАМНИ ҚОЧИРМАСЛИК УЧУН ШУДГОРНИ БОРОНА ҚИЛИНГ *ҲАЙДОВИ ЕТИЛМАГАН ВА ЗИЧЛАШИБ ҚОЛГАН ЕРЛАРНИ ЧИЗЕЛЛАНГ ВА ЕНГИЛ КУЛЬТИВАЦИЯ ҚИЛИНГ *КАРТАЛАРНИ ЯХШИЛАБ ТЕКИСЛАНГ *МАРЗАЛАРНИ ЙЎҚОТИНГ.**

## ҲОСИЛДОРЛИК ОШАДИ

Бригадамиз аъзолари пахта ҳосилдорлигини оширишда йил сайин юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Россия федерациясидаги колхоз, совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари секретарлари ва бошқарма бошлиқлари иштирокида ўтказилган йиғилишда Н. С. Хрушчевнинг сўзлаган нутқи бригадамиз аъзоларини меҳнат зафарларига янада илҳомлантириб юборди.

Қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигининг қайта қурилиши ҳар бир участкани конкрет ўрганиб, ҳосилдорликни оширишнинг йўл-йўриқларини белгилаб беришга катта ёрдам қилмоқда. Ўтган йили бригада бўйича ҳар гектар майдондан 34 центнердан ҳосил олинди.

**Етти йилликнинг бешинчи йилида 135 гектар майдонга чигит экамиз, 100 гектар майдон кузда сифатли шудгор қилинди.**

**Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун бизда ҳам барча имконият бор. Ишчи ва техника кучларидан тағин ҳам унумлироқ фойдалансак, ички резервларни ишга солсак, ҳосил албатта ошади. Шуни эътиборга олиб, ҳар гектар майдондан ўтган йилга нисбатан 6 центнер кўп «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилдик.**

Бизнинг шароитимизда ерларни суғориш, текислаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Биз ерларни сифатли қилиб текисляпмиз. Қондириб суғормоқдамиз. Ҳамма майдонга чигитни квадрат-уялаб экамиз.

**О. РАЖАББОЕВА,**
**Тўрткўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи.**



БУХОРО ОБЛАСТИ. Ғиждувон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Гулистон» колхозида колхоз раҳбарлари тайёрлаш бир йиллик мактаб ташкил этилди. СУРАТДА, «Гулистон» колхозининг агрономи тингловчилар билан амалий машғулот ўтказмоқда.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

# ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

**«Қизил Ўзбекистон» рейди**

Устьлабинскликлар чақириғи ва янгийўлликлар ташаббуси Сурхондарё область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ҳам янги ватанпарварлик ҳаракатини тўлқинлантириб юборди. Колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу муҳим ҳужжатларни атрофлича муҳокама қилиб, ўз устларига янги мажбуриятлар олдилар.

Колхоз ва совхозлар Ватанга 430 минг тонна «оқ олтин», 55,7 минг тонна дон, 38 минг тонна гўшт, 54 минг тонна сут ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришга бел боғладилар. Кўпгина колхоз ва совхозларда экишга пухта тайёргарлик кўриляпти. Ер ҳайдаш асосан тугалланди, далаларга кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқарилаётир. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ҳозирданоқ кучайтириб юборилди. Шўрчи, Ғузор ва Денов ишлаб чиқариш бошқармаларидаги илғор хўжаликлар чигит экишга шай бўлиб турибдилар.

Етти йилликнинг бешинчи йилида она-Ватанга 35 минг тонна пахта, 1800 тонна дон, 2300 тонна гўшт, 3700 тонна сут, 305 тонна жун, 1900 тонна сабзавот, 1.365 минг дона тухум, 23.600 дона қоракўл тери топшириш учун курашаётган Термиз ишлаб чиқариш бошқармасининг колхоз ва совхозлари далаларида меҳнат қайнамоқда. Жданов номли колхозда ерлар 28-30 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйилди, гўнг ташиш, ариқ-зовурларни тозалаш топшириқлари оширибадо этилмоқда.

«Намуна» колхозида дала ишлари айниқса яхши ташкил этилган. Механизаторлар иш сифатига алоҳида эътибор берган ҳолда ер ҳайдаш топшириғини оширибадо этмоқдалар. Колхозда далага пландаги 9 минг 700 тонна ўрнига 15 минг 826 тонна гўнг ташиб чиқарилди. Бу ишга 138 колхозчи, 21 та автомашина, 5 арава ва 5 тележка ажратилган.

«Узсельхозтехника»нинг район бўлими коллективи колхозларнинг техникасини ўз вақтида тайёрлаб бериш учун курашмоқда. Сеялка, борона, насос двигателлари пешма-пеш ремонтдан чиқарилмоқда. Жовли Бўтаёров бошлиқ бригада аъзолари чопиқ тракторларини ремонт қилишяпти. Бригаданинг Ҳамро Ҳайдаров, Тош Сафаров, Турсунпўлат Сайимов, Кўчкин Абдурасулев сингари аъзолари кунлик топшириқни 120-130 процентдан адо этаётирлар. Яшка Юнусов бошлиқ токарлик цехининг азаматлари ҳам ўз ўртоқларидан қолишмаётирлар. Василий Рулин, Александр Попашкин, Тўйли Аҳмедов, Муҳаммади Жумаев каби ишчилар кунлик иш нормасини 130-140 процентдан бажармоқдалар. Устахона ремонтчилари Карл Маркс номли, Ленин номли, Куйбишев номли колхозларнинг насос двигателларини вақтидан илгари ремонт қилиб бердилар.

«Таллимарон» совхозида ҳам ремонт ишлари яхши бораётир. 76 та сеялканинг 54 таси ремонт қилинди. 20 таси эса бугун-эрта ремонтдан чиқарилади.

Бироқ, бошқармага қарашли ҳамма хўжаликларда ҳам кўкламги экишга тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилган, деб бўлмайди. «Октябрь 40 йиллиги» колхозида ер сифатсиз ҳайдалмоқда. Суръат ҳам жуда суст. Алиқул Қувондиқов бошлиқ бригаданинг механизатори Бадал Жумақулов ерни саёз ҳайдамоқда. Шомурод Алламуродов бошлиқ бригадада ҳам аҳвол шундай. Бригада бошлиғининг ишга бефарқ қараётганлиги натижасида ҳар куни 38 колхозчидан фақат 16 киши далага чиқади. Улар ҳам ёлчитиб ишлашмайди. Механизатор Омон Оллоёров 20 гектар ерни ўгит солмасдан ҳайдаб юборган.

Калинин номли колхозда ҳам ишлар ачинарли аҳволда. Колхоз бир неча йилдан буён пахта тайёрлаш планини бажармай, давлатдан қарздор бўлиб қолмоқда. Колхоз раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олмаётирлар. Хўжаликда экиш олди ишлари ғоят кечикиб бошланди. Қўшни колхозлар шудгорлашни тамомлаганда, бу ерда ғўзапоя юлишга киришилди. Ер ҳайдаш шу чоққача тугалланган йўқ. Панжи Жумаев, Хушвақт Хушназаров, Хайрулло Раҳмонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг тракторчилари ер ҳайдашда агротехника қоидаларини қўпол равишда бузмоқдалар.

Областнинг кўпчилик хўжаликларида шўр ювиш, ерларни суғориш ва ариқ-зовурларни тозалаш топшириқлари қониқарсиз бажарилмоқда. Бу иш айниқса Янкабоғ, Косон, Қарши ишлаб чиқариш бошқармаларидаги колхоз ва совхозларда жуда суст амалга оширилмоқда. Областда экин экиладиган майдонларни суғориш топшириғи энди 60 процент, шўр ювиш топшириғи бор-йўғи 5 процент бажарилди. Шеробод ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларда шўрхок ерлар кўп. Аммо, бу ерда шўр ювишга ҳанузгача киришилмаган.

Бир қатор колхоз ва совхозларда далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ўзибўларчилик билан бораётир. Яккабоғ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозида ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 820 килограммдан гўнг ташиб чиқарилган, холос. Бундай аҳволни райондаги бошқа колхозларда ҳам учратиш мумкин. Ишлаб чиқариш бошқармасининг раҳбарлари бунга қандай тоқат қилиб келаётганликлари кишини таажжублантиради. Областда далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш топшириғи атиги 30 процент адо этилди.

Қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторлар ремонти ҳам ҳеч қандай сабабсиз кечиктирилмоқда. Қарши ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларнинг тенг ярми техника ремонтига шу кунгача киришганлари йўқ деса бўлади. Фрунзе номли колхозда 17 та чопиқ трактордан эвди 6 таси, 14 сеялкадан 2 таси ремонтдан чиқарилган, холос. «Узсельхозтехника»нинг ўртоқ Кузнецов раҳбарлик қилаётган Қарши район бўлими ходимлари бу муҳим ишга бепарво қараб келмоқдалар. Бошқармадаги хўжаликларнинг 20 та ҳайдов ва 100 дан ошиқ чопиқ трактори, 150 га яқин сеялкаси ҳали ремонтдан чиқарилган эмас. Бўлим устахонасида 16 та чопиқ трактори ўтган йилнинг ноябрь ойидан бери навбат кутиб турибди.

Бу ерда механизатор кадрлар тайёрлашга эътиборсиз қараляпти. 40 киши ўрнига фақат 16 киши ўқитилмоқда.

Чигит экишга саноқли кунлар қолди. Вақт кутиб турмайди. Сурхондарё областининг партия, совет ва хўжалик ташкилотлари раҳбарлари чигит экишга тайёргарликдаги, бу жиддий қолоқликка тезда барҳам беришлари керак.

**Рейд бригадаси аъзолари:**
**Х. ШОМИРЗАЕВ, Ф. НОРҚЎЧҚОРОВ, К. МАЛЛАЕВ — «Қизил Ўзбекистон» мухбирлар постининг аъзолари.**
**И. ОЧИЛОВ, М. ОБИДОВ — «Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбирлари, С. РУСТАМОВ, С. ЗИЁЕВ, Қ. ҚОДИРОВ, А. ТИЛЛАЕВ — область «Ленин байроғи» газетасининг ходимлари. А. ХАЛИЛОВ — «Қизил Ўзбекистон»нинг Сурхондарё область мухбири.**

# САБЗАВОТЧИЛАР АҲДИ

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Собир Раҳимов номли колхоз аъзолари ҳар йили шаҳар аҳолисига мўл-кўл сабзавот ва картошка маҳсулотлари етказиб бермоқдалар. Колхозда ҳосилдорликни яна ҳам ошириш тадбирларини кўрилмоқда. Абдусаттор Самадов бошлиқ бригада аъзолари экин майдонларининг ҳар гектаридан 16 тонна картошка, 17 тонна сабзавот, 40 тоннадан полиз экинлари маҳсулотлари олишга аҳд қилганлар. Умар Риҳсиев, Турди Деҳқонбоева, Одил Алимов бошлиқ бригадаларда ҳам мўл ҳосил етиштириш учун кураш қизғин бормоқда.

Колхозда мўл ҳосилга пухта замин яратилмоқда. 275 гектар ерга картошка, 205 гектар ерга сабзавот, 45 гектар ерга полиз экинлари экилади. Ерлар кузда чуқур шудгор қилинган. Ариқ-зовурлар тозаланди. Далага ҳозиргача 4451 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди.

Бу ерда парник хўжалигига ҳам катта эътибор берилмоқда. Икки парникда сараланган 600 минг дона ҳар хил кўчат парвариш қилинмоқда. Бундан ташқари 1 миллион туп карам ва кўплаб помидор кўчати ўстирилмоқда. Колхоз теплицасида ҳамиша баҳор. Қишда ҳам бу ерда доим кўк пиёз, помидор ва бодринглар пишиб турганини кўрасиз.

Кунлар исиши билан колхоз сабзавотчиларининг иши яна ҳам қизиди. Ҳозирқ 68 гектар ерга карғошка, 83 гектар ерга пиёз, 10 гектар ерга савзи, 18 гектар ерга карам ва полиз экинлари экилди.

Райондаги Оҳунбобоев номли колхоз сабзавотчилари ҳам мўл ҳосил тараддудида.

— Об-ҳавонинг қулай келганидан фойдаланиб, — дейди бригада бошлиғи Йўлдош Эшонов, — экишни ўтган йилгидан барвақт бошладик. Бу эса экин майдонларидан йилига икки марта ҳосил олиш имконини беради. Ҳозирга қадар 15 гектар ерга карам, 113 гектар ерга пиёз, 2 гектар ерга редиска экилди. Иккита паримкда 100 рама укроп, 130 рама кўк пиёз, 30 рама петрушка парвариш қилинмоқда. Экинларни озиқлантириш мақсадида 4553 тонна маҳаллий ўғит жамғарилиб, махсус чуқурларда чиритилмоқда.

**К. ШОДИҚУЛОВ.**

# ЁШ ПАХТАКОРЛАР

Марҳамат районидаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли 22-ўнбир йиллик мактабнинг ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси ўтган йили 35 гектар ерга маккажўхори экиб, қарийб 20 минг центнер силосбоп кўкпоя, анча миқдорда дон олган эди. Куйбишев номли колхоз правлениеси ишлаб чиқариш бригадасига бу йил яна 25 гектар ер қўшиб берди. Бригада аъзолари бу ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилдилар.

Ёш пахтакорлар асосий эътиборни шу кунларда мўл ҳосилга пухта замин ҳозирлаб қўйишга қаратмоқдалар. Ҳамма майдонлар сифатли шудгор қилиб қўйилди. Суғориш тармоқларини тозалаш тугалланди. Ҳар гектар ер ҳисобига 10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғарилди. Яна 5-7 тоннадан ўғит тайёрлаш учун курашилмоқда. Ўқувчилардан Тўхтасин Жўраев, Муҳаммадкарим Ҳайдаров, Мухтор Мирзакаримов, Маҳфуза Орифова ўртоқлар далага маҳаллий ўғит ташиб чиқаришда ва бошқа ишларда намуна бўлмоқдалар.

**Т. ТЕШАБОЕВ.**

# ЕРЛАР ЮМШАТИЛМОҚДА

ФАРҒОНА, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Олтиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбоев номли колхоз аъзолари янгийўлликлар ташаббусига қўшилиб, экиш кампаниясига тайёргарликни кучайтириб юбордилар. Колхоз гўнгхоналарида 3 минг 500 тонна маҳаллий ўғит чиритилмоқда. Ирригация-мелиорация тармоқлари тартибга келтирилди, ҳамма пахта майдонларига сифатли яхоб берилди.

Маматқул Мусулмонқулов, Машраб Маҳкамов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ерлар ҳайдаб бўлинди. Ҳозир шудгор юмшатилмоқда.

# БЕПАРВОЛИК

Гурлан районидаги Ленин номли колхоз правлениеси чигит экишга тайёргарлик ишларига қониқарсиз раҳбарлик қилмоқда. Колхоздаги ишга яроқли кишилар ариқ-зовурларни тозалашга, маҳаллий ўғит тўплашга, тупроқнинг шўрини ювишга тўла сафарбар этилмаган. Ер ҳайдашда тракторлардан ҳам унумли фойдаланилмаётир. Натижада чигит экишга тайёргарлик ишлари кечиктириб юборилмоқда.

Колхозда 9 та ҳайдов трактори бор. Бундан тўла фойдаланилганда, ҳозиргача ҳамма пахта майдонини ҳайдаб қўйиш мумкин эди. Лекин энди 150 гектар ер ҳайдалди. 4 трактор билан кунига атиги 8-10 гектардан ер ҳайдалмоқда. 280 гектар пахта майдони ҳали ҳайдалмасдан турибди. 11400 тонна ўрнига бор-йўғи 5100 тонна маҳаллий ўғит жамғарилди.

Колхозда экишга тайёргарликнинг суст бораётганлиги ишлаб чиқариш бошқармасининг партия комитетига ва район ижроия комитетига маълум. Лекин улар колхоз раҳбарларига нисбатан талабчан эмаслар.

**И. СУЛТОНОВ.**

# ГУМУС—АРЗОН ЎҒИТ

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, илғор агротехника қоидаларига тўла амал қилиш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланиш ернинг унумдорлигини оширишда, маҳсулот сифатини яхшилашда ва таннархини камайтиришда катта аҳамиятга эгадир. Тупроқшунос мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, суғориладиган ерларимизнинг тупроқ таркибида гумус моддалари деярли йўқ. Шу билан бирга, тупроқларимиз кўпроқ ишқорий хусусиятига эгадир. Шунга кўра, айрим вақтларда ерга кислоталик хусусиятига эга бўлган органик ўғитларни солиш талаб этилади. Минерал ўғитларни органик ўғитларга қўшиб ерга солиш аралашманинг фойдали коэффициентини оширади, тупроқнинг физикавий-химиявий хоссаларини, структурасини яхшилайди. Натижада ернинг ҳосилдорлиги ошади.

Республикамизда суғориладиган ерлар жуда кўп. Шу сабабли минерал ўғит, гўнг ва бошқа маҳаллий ўғитлар кўп ҳолларда етишмай қолиши мумкин. Аммо бизда маҳаллий ўғитнинг ўрнини босадиган, афзаллиги жиҳатидан гўнгдан қолишмайдиган бошқа моддалар ҳам бор. Ана шулардан бири органик ўғит ҳисобланган гумин кислотасидир. Маҳаллий ўғит ва бошқа органик моддаларнинг тупроқда чириши ҳамда оксидланиши натижасида гумин кислотаси ҳосил бўлади. Химиявий хусусиятлари жиҳатидан тупроқ гумусларига яқин бўлган моддалар — гумин кислоталари табиатда жуда кўп учрайди. Бундай моддаларни истаган миқдорда сунъий равишда тайёрлаш мумкин.

Гумин кислоталарининг аммон, калий ва натрий бирикмалари сувда жуда яхши эрийди. Шунинг учун бу моддалар ўсимликка тўғридан-тўғри органик озуқа бўла олади ва ўсимлик илдизи ҳамда танасининг жуда тез ривожланишига ёрдам беради. Чунки ўсимлик ерга солинган бу жуда фойдали ва арзон тайёрланадиган бирикмалардан яхши фойдаланади.

Гумин кислоталарининг пайдо бўлишини ва уларнинг химиявий хоссаларини ўрганиш, шу билан бирга суғориб экиладиган ерларимизга унинг қанчалик таъсир кўрсатишини аниқлаш масаласи бизни жуда қизиқтирган эди. Шу мақсадда 1961-1962 йилларда пахта ва сабзавот экинлари, мева ва узум ҳосилдорлигини оширишга гумин кислоталарининг қанчалик таъсир қилиши устида тажриба ишлари олиб борилди. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори М. А. Панков, тупроқшунослик институти эрозия лабораториясининг бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари доктори В. Б. Гусак ва қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Мукалянц ўртоқлар Янгийўл районидаги «Коммунизм»», Гулистон районидаги «Октябрь» колхозларида ўтган йили анча шўрланган 66 гектар ерда тажриба ўтказдилар. Бу тажриба жуда яхши натижа берди. Гумус моддалари солинган ердан бу кислота ишлатилмаган ердагига нисбатан гектарига 3-4 центнердан ортиқ ҳосил олинди. Гумин кислотасининг тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилиши ана шу мисолдан ҳам маълум.

Кўмирдан ҳосил қилинадиган гумин кислотасидан ташқари гидролиз заводларининг чиқиндиси — лигниндан ҳам органик ўғит сифатида фойдаланиш мумкин. Лигнинни оксидлаш йўли билан тайёрланган нитролигнин ҳар гектар ерга 250-300 килограммдан солинса, ҳосилдорлик гектарига 3,5-5 центнер ошажаги аниқланди.

Бу органик ўғитлар айниқса қия-ювилувчан ерларда ҳосилдорликни кескин оширади. Тошкентдаги сабзавотчилик совхозида биология фанлари доктори Г. И. Аболина олиб борган тажриба ишлари буни яққол исботлади. Эртаги ва кечки картошка экилган ерларнинг ҳар гектаридан 116 центнердан ҳосил олиб келинган майдонларга 500-800 килограмм гумат аммон солинганда ҳосил гектарига 175 центнерга етди, ундаги крахмалнинг миқдори 13,9 процентдан 15,4 процентга чиқди. Гуммат аммон ишлатилиши натижасида карамнинг ҳосилдорлиги 604 центнердан 795 центнерга кўтарилди, маҳсулотнинг сифати кескин яхшиланди.

Қишлоқ хўжалик министрлигининг академик Р. Р. Шредер номидаги богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти икки йилдан бери гумус ўғитларини узумнинг турли навларига қандай таъсир қилишини синаб кўрмоқда. Тажриба 4 гектар ерда ўтказилди. Бу ерга гумус ўғити солинганда ҳусайни, нимранг ва бошқа нав узумнинг ҳосили 10-22 процент, ширинлик миқдори 3,5-9,1 процент, майиз миқдори 8,6 процент ошди.

Бундан ташқари, гумин кислоталари шоли ва маккажўхорининг ҳам ҳосилдорлигини оширади. Бундай майдонда маккажўхорининг сўталари яхши бўлади, дони кўпаяди.

Бизда фойдаланилмай ётган гумин кислоталари жуда кўп. Масалан, Қизилқия ва Шўроб кўмир конларида ташлаб қўйилган кўмир майдалари деярли гумин кислотасидан иборатдир. Буларни Қўқондаги суперфосфат заводининг аммонизация цехида қўшимча маблағ сарфламаган ҳолда гуммат аммонга ёки гумофосга айлантириш мумкин. Кўмирни азот кислотаси билан оксидлаш технологияси ишлаб чиқилди. Бу усул билан Оҳангарон кўмирининг майдаларидан гумус ўғитларини истаганча тайёрласа бўлади. Шу кунга қадар республикамиздаги гидролиз заводларининг чиқиндиларидан деярли фойдаланилмай келинди.

Лигнинни оксидлаб нитролигнин деб аталадиган органик ўғит тайёрлаш технологияси ҳам ишлаб чиқилди. Бу моддани органик ва органоминерал ўғит сифатида ишлатиш мумкин. Шундай қилиб, гумин кислоталари гуммат аммон ва гумофос шаклида ерга органик ўғит сифатида солинади. Натижада пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда мева ва узум ҳосилдорлиги анча ошади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг илмий ходимлари гумин кислоталарининг ўсимликка қандай таъсир кўрсатишини лаборатория шароитида ҳам ўрганмоқдалар, ундан янги препаратлар тайёрлаш устида иш олиб бормоқдалар. Уларнинг бу соҳада яхши натижаларга эришишларига ҳеч шубҳа йўқ.

**А. ТОЖИЕВ,**
**химия фанлари кандидати.**

# ЭКИШГА ШАЙ

Хўжайли районидаги Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари чигит экишга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Тожибой Ешимбетов, Қоир Жумағамбетов бошлиқ бригадаларда далалар текисланиб, уруғ ташлашга тахт қилиб қўйилди. Бу бригадаларда ариқ-зовурларни тозалаш ҳам тугалланди.

Пахтакорлар ўтган йили кам ҳосил олинган майдонларнинг шўрини яхшилаб ювдилар. Карталар текисланди, далага ҳар гектар ер ҳисобига 12 тоннадан маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Бу йил ҳосилдорлик ўтган йилдагига нисбатан гектар бошига камида 4,5-5 центнер ошади.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам экишга тайёргарлик ишлари бораётир.

**О. САРИЕВ,**
**«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.**

# КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

## МУХБИРЛАР ХАТИДАН

Тошкентдаги «Автотрактородеталь» заводининг илғор ишчиси Г. Аванесов корхона коллективининг меҳнат зафарлари ҳақида шундай деб ёзади:

— Корхонамиз коллективи пойтахт экскаваторчилари изидан боришга аҳд қилди. Ўз ижодий меҳнати билан ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун курашувчилар кун сайин кўпайиб бормоқда. Старший технолог ўртоқ Львовский шу йилнинг ўзида бир неча рационализаторлик таклифи берди. Ижодкор технолог машина тайёрлашга кетадиган меҳнат сарфини 45 минут камайтириш учун ҳаракат қилмоқда.

Қорақалпоғистонлик **Б. Айтинбетов, Х. Отенниязов, Қ. Избосханов, Т. Жуманиязов,** тошкентлик **А. Мурнев,** бухоролик **Ш. Беширов, И. Зимин,** наманганлик **А. Обидов** ўртоқларнинг хатларида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш учун баракали меҳнат қилаётган корхоналар ишчи-хизматчиларининг меҳнат зафарлари тараннум этилади.

Наманган шаҳар газ хўжалиги трести коллективи бу йил 2 минг хонадонни газлаштириш, абонентларга 966 тонна «зангори олов» етказиб бериш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Трестнинг техника назоратчиси **Т. Сулаймонов**нинг ёзишича, қўплаб ишчилар намуна кўрсатмоқдалар. Ж. Турсунов, Г. Зинков, А. Жабборов, И. Ниёзхонов сингари ўнлаб ишчилар 7 соатлик нормани 6 соатда адо этишяпти. Тошкент тўқимачилик комбинатидан хабар ёзган **М. Султонов**, Самарқанддаги «Ҳужум» фабрикасининг моталчиси **И. Абдурахмонов** ўртоқлар бу корхоналарда планга қўшимча маҳсулот тайёрлаш мусобақаси авж олиб бораётганлигини маълум қиладилар.

— Қорақалпоғистондаги Порлагов балиқ заводининг ишчи-хизматчилари, — дейилади штатсиз мухбиримиз, **У. Арзуевнинг** хабарида, — етти йиллик планни муддатидан илгари адо этиш учун басма-басига меҳнат қилиб, янгидан янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Балиқчилар биринчи квартал планини муддатидан илгари — 26 февралдаёқ ортиғи билан адо этдилар. Пландаги 5300 центнер ўрнига 7662 центнер балиқ овланди ва давлатга топширилди.

Андижонлик **Т. Турғунов** ўз хабарига «Бетончилар ҳисласи» деб сарлавҳа қўйган. Унда Ленинск темир-бетон заводи коллективи қурувчиларимизга кўплаб қувур ва блоклар тайёрлаб бериш билан янги-янги бино ҳамда иншоотларнинг тез қад кўтаришига муносиб ҳисса қўшаётганликларини завқ билан ҳикоя қилади. Илғор корхонанинг С. Солиев, М. Фрей сингари ўнлаб пешқадам ишчилари шу кунларда апрель ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётирлар.

Меҳнат муваффақиятларимиз ҳақидаги бундай хабарлар кишини ҳурсанд қилади. Бироқ ҳамма корхона, транспорт тармоғи, қурилиш ташкилотларида ишлар силлиқ кетяпти деб бўлмайди. Редакцияга ҳар куни келаётган мусосазларнинг сигналлари бунга мисол бўла олади. Қалинин районидаги 15-мактаб ўқитувчиси **К. Калонов** 1960 йилдан буён Эскижува — Навоий колхозни маршрути бўйича қатнаб турган автобус негадир бу йил олиб қўйилганлигидан ташвишланган. У: «Бунга Тошкентдаги 2-автопарк раҳбарлари қандай важ кўрсатар эканлар?» деб ёзади.

Хева шаҳридаги 79-автобаза раҳбарлари (директори ўртоқ Тенгиров) бир ёклама иш тутмоқдалар. Тўғри, пассажирлар ташиш планини ортириб бажарияпти. Лекин айрим маршрутларга автобус жуда кам ажратилмоқда. Хева — Урганч маршрутида пассажирлар бир-бир ярим соатлаб автобус кутишга мажбур бўлмоқдалар. 50 ўринли автобусга 70-80 киши «жойлашмоқда». Бу ҳақда **А. Раҳмонов** ёзиб юборган.

Пассажир **Б. Тешабоев** Федченко темир йўл станциясида маданий хизмат кўрсатиш ёмон аҳволда эканлигини маълум қилади. Буфетда энг зарур нарсалар топилмайди. Бунинг устига буфетда гигиена қоидаларига риоя қилинмайди.

Қува ишлаб чиқариш бошқармасидан келган хабарга «Қўл учида» деб сарлавҳа қўйилибди. Бу хабарнинг автори — тракторчи **А. Аҳмаджонов.** У «Узсельхозтехника» район бўлимида ремонт қилинаётган қишлоқ хўжалиги машиналари далага чиққач, бир кун ўтар-ўтмас ишдан чиқиб қолаётганлиги ҳақида куйиниб ёзган. Устахона бош техника назоратчиси ўртоқ Ф. Файзулин эса ремонтдан чиқарилаётган машина ва механизмларнинг сифатига эътибор бермаяпти. Бу ҳақда гапирсангиз, қўл силтаб қўя қолади.

**М. Аҳмедов «Узгипроторг» лойиҳалаш институти раҳбарларига ҳаққоний эътироз билдирган. Институт Ленинск шаҳридаги колхоз бозорига иккита савдо павильони ва битта 16 ўринли магазин учун ўтган йили лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб бериши керак эди. Пулини ҳам нақд олишган. Бироқ ўтган йили фойдаланишга топширилиши керак бўлган бу савдо тармоқларининг смета-ҳужжатлари ҳалигача юборилмаётир.**

Етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, ишдаги камчиликларни тезда бартараф қилиш республика саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, транспорт ва савдо тармоқлари ходимлари олдида турган энг муҳим вазифадир.

## ЯХШИ НИЯТ БИЛАН КЎЧАТ ЭК!

Кенг ва равон йўллар четида бир неча кекса ишчи дарахт кўчати ўтказмоқда. Алоҳида майдонларда эса квадрат шаклида ўтказилган мева ва тут кўчатлари кишида ҳавас уйғотади. Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Боғизғон» совхозида боғ-роғлар яратиш ва кўчаларнинг бўйларини яшил дарахтларга бурқаш учун ҳамма бел боғлаган. Совхознинг «Қизил Москва», Свердлов номли, Охунбобоев номли, «Ленинобод», Калинин номли бўлимларида кўчат ўтказиш айниқса зўр ўюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

**О. ЭРГАШЕВ.**

* * *

Кўчат ўтказиш ойлиги бошланганидан буён Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликлар 84 гектар майдонга мевали дарахт кўчатлари, 30 гектар ерга тут кўчати ўтказдилар. Ариқ, анҳор, кўча бўйларига кўчат экиш яхши ташкил этилди. Ҳозиргача бу жойларга 38 минг тупдан кўпроқ тут, 31 мингдан кўпроқ олма, ўрик, шафтоли, олча дарахтлари ниҳоллари экилди. Янги токзорлар барпо қилиш юзасидан ҳам кўпгина иш қилинди. «Келес» совхози, «Ленинград», «Правда», Ленин номли колхозларда кўчат ўтказиш намунали ташкил этилмоқда.

**С. МУҲИДДИНОВ.**

* * *

Шу кунларда Наманган ойнинг ҳар икки қирғоғини кўкаламзорлаштириш ва уни шаҳар меҳнаткашларининг истироҳат боғи манзилига айлантириш учун Наманган аҳолиси турли манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилмоқда. Сой қирғоқларини сув ювиб кетмаслиги учун бетон ётқизилмоқда. Сойнинг ғиштқўприк тўғони қисмида кенг зинапоялар қилиниб, ободонлаштирилмоқда.

**Н. МУСАЕВ.**

## КАТТА ЮТУҚЛАР

3 процентли давлат ички ютуқ заёмига катта ютуқлар чиқмоқда. Тўрткўл шаҳрида яшаётган 3 кишининг ҳар қайсисига 500 сўмдан ва 91-номерли 087371 серияли заёми бўлган С. исмли кишига 5000 сўм ютуқ чиқди.

**Н. МАШАРИПОВ.**



**Каттақўрғон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Партия XXII съезди» колхозининг мириштор боғбони Эргаш Лайлиев ва колхознинг бош агрономи Раҳмат Тўраев ўртоқлар олма дарахтининг ўтган йилги пайванди қандай ривожланаётганлигини кўздан кечираётирлар.**

**Ш. Мардиев фотоси.**

## МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНМОҚДА

ТЕРМИЗ, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Сиз ойлангиз билан кинога ёки меҳмонга бормоқчисиз. Аммо ёш болаларингизга қараб турадиган ҳеч ким йўқ. Бундай пайтда, меҳрибонлик хизмати бюросига телефон қилиб, болага қараб туриш учун энага чақирасиз. Энага фарзандларингизга худди ўзингиздай меҳрибонлик билан қараб туради. Уйингизни йиғиштириш, сотиб олган ўтин-кўмирингизни ёки магазиндан олган нарсаларингизни олиб келиш ва жойлаштиришда ҳам ҳеч тортинмай шу бюрога мурожаат қилаверинг. Сизга, сўзсиз, кўмак беришади. Аҳолига меҳрибонлик хизмати бюроси Термиз шаҳрида яқин кунларда ишга тушади.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумидан кейин Сурхондарё область меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатиш ишни анча яхшиланди. Маиший хизмат кўрсатиш область бошқармасининг 1962 йилни яхши натижалар билан якунлади: етти йилликнинг тўртинчи йили топшириқлари ошириб бажарилди. Меҳнат унумдорлиги 4 процент ортди. 6 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати меҳнаткашларга хизмат кўрсатишнинг янги усулларини кенг қўлланмоқда.

Етти йилликнинг бешинчи йилида область аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш иши 40 процент ўсади. Шу йилнинг охиригача шаҳар ва районларда янгидан еттита маиший хизмат кўрсатиш комбинати ва 16 павильон ишга тушади. Термиз ва Яккабоғ районларидаги иккита комбинат ҳамда 6 павильон фойдаланишга топширилади.

Область маиший хизмат кўрсатиш корхоналари меҳнаткашларнинг кийим-кечаклари; атторлик ва заргарлик буюмлари, холодильник, телевизор, радиоприёмник ва бошқа буюмларни гарантияли ремонт қилиш бўйича кўплаб заказлар олмоқда. Маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари ҳузурида машина ёзувини ўргатиш, қитобларни муқовалаш, бичиқчилик, пазандалик бюролари ҳам ташкил этилмоқда. Аҳолининг шахсий уй-жойларини ремонт қилиб беришга ҳам аҳамият берилмоқда.

Меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш методини янада юксак даражага кўтариш мақсадида мутахассис кадрлар тайёрлаш ишига жиддий эътибор бериляпти. 192 киши Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги махсус курсларда электр асбоблари, холодильниклар, телевизорлар ремонт қиладиган ва бичиқчилик касбини эгаллаб қайтадилар.

## КОЛХОЗЧИЛАР УЧУН

Кейинги бир йилда Охунбобоев районидаги «Ленинизм» колхози қишлоғида 140 хўжалик учун янги типовой уй-жой бинолари қуриб битказилди. 152 ўринли болалар боғчаси, янги магазин, чойхона, радиоузел бинолари қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Бундан ташқари икки жойда артезиан суви чиқарилди. 30 гектар ерда боғ барпо этилди, уларга 30 минг тупдан ортиқ ҳар хил дарахт кўчатлари ўтказилди. Шунингдек, қишлоқ ичидаги беш километрли йўл асфальтланди.

**И. ФОЗИЛОВ,**
**«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.**

**М. СОЛИЕВ,**
**«Қизил Ўзбекистон»нинг мухбирлар пости аъзоси.**

## ТУРЛИ мамлакатлардан ХАБАРЛАР

### ҲУКУМАТ ЁН БЕРИШГА МАЖБУР БЎЛДИ

**ПАРИЖ, 19 март. (ТАСС). Лотарингия темир руда ҳавзасининг яқинда «Парижга юриш» қилган кончилари ўзларининг забастовка курашларида биринчи муваффақиятга эришдилар: ҳукумат вакиллари ва хўжайинлар дарҳол музокаралар бошлашга рози бўлдилар. Кончилар иш ҳақини оширишни ва меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилмоқдалар.**

**Умумий меҳнат конфедерацияси ва француз христиан меҳнаткашлари конфедерацияси касаба союз ташкилотлари ҳукумат ва хўжайинларнинг бундай ён беришини забастовка нурашини зўр бериб давом эттириш туфайли эришилган «биринчи жуда катта натижа», деб ҳисоблаб, кончиларни забастовкани эртадан бошлаб тўхтатишга чақирдилар.**

### ПОРТУГАЛИЯ ГВИНЕЯСИДА УРУШ

ПАРИЖ, 19 март. (ТАСС). Франсияда чиқадиган «Юманите» газетаси ёзади: Португалия Гвинеясидаги ватанпарвар кучларининг мустамлакачилар қўшинларига қарши қуролли кураши кейинги ойларда жуда кучайиб кетди. Жазо отрядлари билан онда-сонда тўқнашишлар вақти ўтиб кетди. Энди ликда чинакам уруш олиб борилмоқда. Бу уруш учун жавобгарлик тамомила Португалия ҳукумати зиммасига юкланади.

Мустамлакачилар ўзларининг ҳарбий кучларини оширмоқдалар. «Юманите» газетасининг хабар беришича, ҳозирги вақтда Португалия Гвинеясида жазо отрядларининг 10 минг солдат ва офицери бор.

## УЛЬТРАЛАР ИҒВОГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, 19 март. ТАСС мухбири **М. Паньшин** хабар беради:

Ғарбий Берлиндаги ультралар «фронт шаҳри» маъмурларининг йўл қўйиб беришидан фойдаланиб, шаҳарда кескинликни кучайтириш мақсадида иғвогарликлар қилишни давом эттирмоқдалар. Кеча куннинг иккинчи ярмида улар шаҳар темир йўлининг Ғарбий Берлиндаги энг гавжум районида жойлашган «ЦОО» станциясида икки жойни портлатдилар. Яхшики, бу портлаш натижасида одамларга шикаст етмади. Худди шу куни Ғарбий Берлин иғвогарлари Германия Демократик Республикасининг чегарасига туташган Ванзеедаги Кенигштрассе районида бомба портлатишга уриндилар. Бу портлатишларни ташкил қилган жиноятчиларни ҳеч ким ушламади ва улар қочиб қутулдилар.

Кейинги кунларда террорчиларнинг уюшган группалари Ғарбий Берлинда бомбалар портлатмоқдалар ва бошқа иғвогарликларни қилмоқдалар, шунингдек улар Германия Демократик Республикасига қарши Ғарбий Берлиндан иғвогарлик ташкил этмоқдалар. Совет «Интурист» ваколатхонасига бандитларнинг босқин қилганлиги муносабати билан Ғарбий Берлин полицияси ўтказган терговнинг натижалари ҳам мана шундай террорчилар группаси борлигини тасдиқлади.

ДПА агентлигининг хабарида айтилишича, 10 мартда Ғарбий Берлинда навбатдаги иғвогарлик учун бомба тайёрлаётган вақтида ўз квартирасида шу бомбанинг портлаганлиги натижасида ҳалок бўлган студент Бишоф совет «Интурист» туристлик бюросига ҳужум қилган мана шу группанинг аъзоси эди. Терговни давом эттириш натижасида, дейилади агентликнинг хабарида, Бишоф бомбалар портлатиш йўли билан қилинган террорчилик босқинларига алоқадор бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга, «тунеллар қуришда» қатнашганлиги ҳам маълум бўлди.

Агентликнинг хабарида айтилган туннеллар Ғарбий Берлин иғвогарлари томонидан Германия Демократик Республикаси чегараси ёнида қурилмоқда. «Фронт шаҳри» маъмурлари рухсати билан қурилаётган бу туннеллардан Германия Демократик Республикаси территориясига иғвогарлар ва диверсантлар юбориш мақсадида фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

## САҲРОИ КАБИРДА ЯДРО ҚУРОЛИ ПОРТЛАТИЛДИ

ПАРИЖ, 19 март. (ТАСС). 18 мартда Франция Саҳрои Кабирда ер остида ядро қурилмаси портлатганлигини Жазоир ҳукумати расмий равишда эълон қилди, деб Жазоирдан хабар беради Франс Пресс агентлигининг мухбири.

Шу муносабат билан эртага Жазоир ҳукуматининг шошилинч мажлисини ўтказиш мўлжалланади.

## ВЬЕТНАМ ХАЛҚИ КУРАШМОҚДА

ХАНОЙ, 19 март. ТАСС мухбири **А. Силанин** хабар беради: Шимолий Вьетнамнинг ҳамма қисмида бугун жуда кўп намойиш, митинг ва йиғилишлар ўтказилмоқда. Ишчилар, деҳқонлар ва хизматчилар Американинг Жанубий Вьетнамдаги агрессиясига қарши норозилик билдириш учун шаҳар ва қишлоқларнинг кўчаларига чиқмоқдалар.

Бундан 13 йил муқаддам, 1950 йил 19 март эрталаб Америка-нинг икки ҳарбий кемаси Сайгон портига лангар ташлаган эди. Океаннинг нариги томонидан чақирилмаган меҳмоннинг келиши тўғрисидаги хабар тез орада бутун шаҳарга ёйилди. Орадан бир неча соат ўтар-ўтмас Сайгон меҳнаткашлари денгиз соҳилига тўпландилар. Сайгонликлар янги мустамлакачиларни «Янкилар, туёғингизни шиқиллатиб қолинг!» деган сўзлар билан қарши олдилар. Ўша вақтда америкаликлар жўнаб қолган эдилар, аммо кейинчалик хоин Нго Динь Дьемнинг фотихаси билан америкаликлар яна бу ерга келиб, француз мустамлакачиларининг ўрнини эгаладилар. Ўша пайтдан буён Вьетнам халқи 19 март кунини ҳар йили америкалик интервентларга қарши миллий кураш куни сифатида ўтказиб келмоқда.

«Озодлик» агентлигининг кейинги маълумотларига қараганда, Жанубий Вьетнамдаги 17 минг қишлоқдан қарийб 4,5 мингтаси халқ ҳокимияти контроли остидадир. Ана шу қишлоқларда 7 миллион деҳқон яшайди.

Америкаликлар Жанубий Вьетнамда қийинчилик ва машаққатларга дуч келиб қолдилар. Президент Кеннеди ҳам шу тўғрида гапирган эди. Америкаликлар Вьетнамдан жўнаб кетмагунча бу қийинчилик ва машаққатлар барҳам топмайди. Вьетнам халқи ва жаҳондаги барча тинчликсевар халқлар 13 йилдан буён америкаликларнинг бу мамлакатдан чиқиб кетишларини талаб қилиб келмоқдалар.

## ЭРОННИНГ ЖАНУБИДА ҒАЛАЁНЛАР

**ЛОНДОН, 19 март. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Теҳрондан хабар беради: Эроннинг жанубидаги Форс вилоятида қўзғолон қилган қабилалар билан ҳукумат қўшинлари ўртасидаги тўқнашувлар натижасида 44 киши ўлди ва 100 дан кўпроқ киши ярадор бўлди.**

**Эрон бош министри Асадулла Аълам ҳукумат ана шу райондаги аҳволни тўла равишда контроль қилиб турибди ва қўзғолон қилган қабилаларнинг бошлиқларига қарашли ерлар мусодара қилинади ва деҳқонларга тақсимлаб берилади, деди.**

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

## ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

### РИГАГА

Мамлакат чемпионатида иштирок этиш учун «Тайтекстильмаш» заводининг хотинқиз баскетболчилари Ригага жўнаб кетдилар. Тошкентлик баскетболчилар финалда «ТТТ» (Рига), «Динамо» (Москва), «ДПИ» (Тбилиси), «Буревестник» (Ленинград) ва бошқа командалар билан куч синашадилар.

**И. БИРБРАГЕР — ПЕШҚАДАМ**

Марказий шахмат-шашка клубида шахмат бўйича Ўзбекистон XXVIII чемпионати давом этмоқда.

9-турдан кейин 6 очко тўпланган мастерликка кандидат И. Бирбрагер пешқадамлик қилмоқда.

### СТАРТДА ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ

«Пахтакор» кўнгилли қишлоқ спорт жамияти марказий совети биринчилиги учун ўтказилаётган шахмат чемпионатида Хоразм, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Андижон ва Тошкент областининг энг кучли 13 шахматчиси иштирок этмоқда.

9-турдан сўнг 9 имконият-дан 7 очко тўпланган У. Умуров (Бухоро области) пешқадамлик қилмоқда. В. Вишневский (Тошкент области) 7 имконият-дан 6,5 очкога эга.

**Ш. УМРЗОҚОВ,**
**«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.**



**Оқ танли ирқчилар Жанубий Родезияда мамлакат аҳолисининг аянч аҳволини яхшилаш учун курашган кишиларни аёвсиз жазоламоқдалар. Жанубий Родезияда тақиқланилган Африка халқи Иттифоқ партиясининг яқинда тюрьмадан озод этилган лидери Джошуа Нкомо яна қамоққа олинди. Уни «тартибни сақлаш тўғрисида» қонунни бузганликда айбламоқдалар. Суратда: ит етаклаган полициячи Джошуа Нкомонинг қамоққа олинишига қарши норозилик билдириб, Русапдаги суд биноси ёнига тўпланган аёлларни ҳайдамоқда.**

**АП—ТАСС фотоси.**

## ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР

### ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**21 МАРТДА**

Ўзбек тилида: 18.00 — **Концерт** (мактаб ўқувчилари учун). 18.35 — **Телевизион янгиликлар**, 18.50 — **Устоз ва шогирд** (ўзбек классик адабиётидан). 19.15 — **Новаторлар минбари**, 19.35 — **Азия и Африка сегодня** журнали саҳифаларида. 19.55 — **Студентлар, сизлар учун.**

Рус тилида: 20.55 — **Телевизион янгиликлар**, 21.10 — **Халқаро масалалар**, 21.25 — **Профессор Хегер хатоси** номли киноповесть.

22.45 — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

### ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/III да **Фауст.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 23/III дан **Янги аттракцион. Анатолий Сокол** ўз ёрдамчиси — **электрон-механик киши («Робот»)** билан. Билетлар сотилмоқда.

### КИНО

**Ҳамнасблар** — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

**Меҳрга муҳтож яна бир киши** — «ЭШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 12 да).

**Хуана Гальо** — «ДРУЖБА» (1-залда), «МИР» (кундуз ва кечқурун)

**30 ёшга тўлган кунда** — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

**Альба Регия** — «МИР» (эрталаб соат 10 да).

**ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА**
**21 мартда**
**В. Шекспир асари**

*ЮЛИЙ ЦЕЗАРЬ*

3 пардали трагедия.
**Уйғун** таржимаси.

Брут ролида — СССР халқ артисти **Шукур Бурҳонов**, Юлий Цезарь ролида — СССР халқ артисти **Олим Хўжаев.**

Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. О. Гинзбург.**

Спектакль кеч соат 7 яримда бошланади.

**Пэпо** — «ЭШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 11-45 минутда), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

**Оддий воқеа** — «ЭШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да).

**Екатерина Воронина** — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

**ЭСТРАДА ТЕАТРИДА**
**22, 24 мартда**
Ўзбекистон ССР халқ артисти
**КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ**
**КОНЦЕРТЛАРИ**

Концертларда: Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Қундуз Миркаримова,** солист **Қувондиқ Искандаров** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА**
**мактабларнинг баҳорги каникул кунларида 24 мартдан**
**31 мартгача**
**КАТТА**
**ЦИРК ТОМОШАЛАРИ**

Томошалар кундуз соат 12,3 ва кеч 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда. Коллектив заявкалар қабул қилинади.

**1963 йил 2 апрель** кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 14-уй, химия институтлари кутубхонаси) қуйидагилар химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

**ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР**

**Л. М. Шалухина:** «Оксидланган молибден бирикмаларини хлорлаш проблемасига доир» деган темада.

**А. Абдусаматов:** «Унгерния Викторис Введ. ва Унгерния тажиэорум Введ. «Ўсимликларнинг алкалоидлари» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси 1-уй).

# «ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛИЗМ МАСАЛАЛАРИ»

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ўзбек тилида тайёрлаган ва академия нашриёти чиқарган «Тарихий материализм масалалари»1) дарслиги республикамиз илмий ҳаётида жиддий воқеадир.

Китобхон тарихий материализмнинг деярли барча масалаларини қамраб олган бу асарнинг дастлабки саҳифаларида марксча-ленинча фалсафа асослари билан танишади.

Китобда тарихий материализмнинг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида фикр юритилар экан, партиямизнинг тарихий XXII съезди қабул қилган коммунистик қурилиш Программаси марксча-ленинча таълимотни янги назарий қоида, илмий хулосалар билан бойитганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Шунингдек, тарихий материализм предметининг хусусиятлари кўрсатиб берилади.

Маълумки, моддий бойликлар ишлаб чиқариш ижтимоий ҳаётнинг асосидир. Асарда ана шу масала илмий жиҳатдан таҳлил қилинган, мамлакатимизнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг ютуқлари мисолида содда ва тушунарли баён этилган. Социализм шароитида ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучларга мувофиқ келади. Лекин китобда бу масаланинг айрим жиҳатлари — ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучларга таъсири ҳамда социалистик жамиятда ишлаб чиқариш муносабатлари айрим томонларининг ишлаб чиқарувчи кучларга нисбатан кейинда қолишининг объектив ва субъектив сабаблари яхши очиб берилмаган. Бу эса қўйилган масаланинг мукаммал ҳал этилишига бир қадар салбий таъсир кўрсатган.

Диалектик категория — базис ва устқурмага бағишланган бобда капиталистик жамиятдаги базис ва устқурма билан социалистик жамиятдаги базис ва устқурма ўртасидаги чуқур тафовут, социалистик базис ва устқурманинг хусусиятлари анализ қилинган. Бу боб партия XXII съезди материаллари ва КПСС Программаси руҳи билан суғорилганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Социалистик иқтисодий базисга таъриф берилиб, Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида совет халқи қўлга киритган ютуқлар, СССРда социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари иқтисодий базисининг коммунизм томон боришини тезлаштирмоқда, деган хулоса баён қилинган. Социалистик устқурма ўз базисининг туб моҳиятини, ривожланиш процессини, объектив қонуниятларини тўғри акс эттириши фактлар асосида исбот этилади. Лекин шу билан бирга устқурма элементларининг муайян хусусиятларга эга эканлиги, жумладан, устқурмага кирувчи ижтимоий онг формалари ўз тараққиётида нисбатан мустақил характерга эга эканлиги кўрсатилмаган. Бундан ташқари шу ўринда тил, оила ва никоҳ каби ижтимоий ҳодисалар баён қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Базис ва устқурма категорияларининг бир қанча бошқа мураккаб томонлари ҳам эътибордан четда қолганлигини кўрсатиб ўтмоқ зарур.

Китобда синфлар ва синфий кураш масалалари тўғрисида ҳам баҳс этилган. Ҳозирги ижтимоий тараққиётимиз шароитида синфлар ва синфий кураш масаласи тўғрисида сўз бораркан, Коммунистик партия ва Совет давлати ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш ҳақидаги ленинча кўрсатмага изчиллик билан амал қилиб, буюк ғалабаларга эришаётгани айтилади. Шу билан бирга коммунизм жамият ғалабаси учун кураш даврида синфий тафовутларнинг йўқолиб бориши, совет халқи коммунизм қуришни авж олдирган ҳозирги даврда синфсиз жамият қуриш масаласи амалда ҳал қилиниши зарур бўлган масалалардан бири бўлиб қолганлиги кенг таҳлил қилинган.

### ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

<>

Асарнинг қиммати яна шундан иборатки, унда қабила, халқ, миллат кишилар бирлигининг тарихий формалари эканлигига фалсафий жиҳатдан тўғри ёндошилган. СССРда социалистик миллатларнинг шаклланиши ва миллий маданиятнинг юксалиши Ўрта Осиё республикалари халқлари ҳаётида юз берган сон ва сифат ўзгаришлари мисолида кўрсатиб берилган. СССР халқларининг бузилмас дўстлиги совет жамиятининг қонунияти, социалистик миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги, мисли кўрилмаган типи ва бутун жаҳон халқлари ўртасида келажакда муқаррар карор топадиган буюк ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Шунингдек, китобда ўзбек халқининг ўзига хос миллий хусусиятлари илмий жиҳатдан тўғри акс эттирилган, мамлакатимизда миллий масаланинг муваффақиятли ҳал этилишининг катта халқаро аҳамиятига тўхталиб ўтилган.

Асарда давлат ва революция, пролетар диктатураси ва унинг шакллари, умумхалқ давлати масалалари тўғри талқин этилган ва бу борада ўнг социалистлар ҳамда ревизионистларнинг марксча-ленинча таълимотни бузиб кўрсатишга уринишлари фош этилган. Лекин халқ демократияси давлатининг келиб чиқиши ва ривожланиш хусусиятлари тўғрисидаги масала четлаб ўтилганлиги бизнингча тўғри эмас. Ревизионистларнинг социализм даврида давлат барҳам топиши керак, деган нотўғри даъволари илмий далиллар ва ҳаётий фактлар мисолида очиб ташланмаган.

Партиямиз XXII съезди қабул қилган КПСС Программасида пролетариат диктатураси давлати бизнинг мамлакатимизда социализм ғалабасини таъминлаб, олам-шумул тарихий роль ўйнаганлиги, эндиликда эса у ўзининг янги тараққиёт босқичига кўтарилиб, бутун халқ, бутун жамиятнинг иродасини ифодаловчи умумхалқ давлатига айланганлиги, давлатнинг умумхалқ ташкилоти сифатида коммунизмнинг тўла ғалабасига қадар сақланиб қолиши назарий жиҳатдан асослаб берилди. Бироқ, китобда ревизионистларнинг давлатнинг тақдири тўғрисидаги марксизм-ленинизм назариясига зид бўлган қарашлари қатъий танқид қилинмаган.

Китобда ижтимоий онг ва унинг шаклари масаласи яхши ёритилган. Ижтимоий онгнинг хусусиятлари, синфий жамиятда идеологиянинг синфий характери, ижтимоий онг формаларининг ўзаро боғланиши ва бир-бирига таъсири тўғрисида, ижтимоий онгнинг турли шакллари — сиёсий, ҳуқуқий қарашлар, ахлоқ, санъат, фан, дин ва уларнинг келиб чиқиши ҳамда жамиятдаги роли тўғрисида мукаммал маълумот олиш мумкин. Аммо бу масалани ёритишда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги кўзга ташланиб туради.

Китобда халқ оммаси ижтимоий тараққиётнинг ҳал этувчи кучи эканлиги, тарихда шахснинг роли масалаларини ёритишда маҳаллий материал ва фактлардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор берилган. Айниқса, халқ оммасининг коммунизм ғалабаси учун курашдаги буюк роли, партия билан халқ оммаси ўртасидаги бирлик асло енгилмас куч эканлиги яхши баён қилинган.

Китобда тарихий материализм масалаларини тушунтиришда республикамиз ҳаётидан олинган мисолларга алоҳида аҳамият берилганлиги ва шу асосда марксистик тарихий материализмнинг асосий масалалари кенг ва атрофлича ёритилганлиги китобхонларни қувонтиради.

Ушбу асар авторлари коллективи ўзбек тилида марксча-ленинча философияга оид ўқув қўлланмалари тайёрлашда яхши тажрибага эгалар. Улар «Диалектик материализм масалалари» ва ушбу — «Тарихий материализм масалалари» ўқув қўлланмалари ҳақида матбуотда айтилган танқидий мулоҳазаларни ҳисобга олиб иккала китобни бирга қўшган ҳолда «Марксча-ленинча философия асослари» номи билан қайта тўлдирилган нашрини тайёрласалар мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

**М. АҲМЕДОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети фалсафа кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари кандидати.**

**Н. МУРАТОВ,**
**фалсафа фанлари кандидати.**
**Х. ГИЗИТДИНОВ,**
**Б. РАҲИМОВ,**
**фалсафа кафедрасининг старший ўқитувчилари.**

1) «Тарихий материализм масалалари». ЎзССР Фанлар академиясининг академиги И. М. Муминов таҳрири остида. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти. Тошкент, 1962 йил.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р 06274 Индекс 64543. Нашр. № 68.